

ISSN: 2181-3558

«SCIENCE AND RESEARCH»

JOURNAL

OF INTEGRATED EDUCATION
AND RESEARCH

INTEGRATSIYALASHGAN

TA'LIM VA TADQIQOT JURNALI

ЖУРНАЛ ИНТЕГРИРОВАННОГО
ОБРАЗОВАНИЯ И ИССЛЕДОВАНИЙ

**THE JOURNAL OF
INTEGRATED
EDUCATION AND
RESEARCH**

ISSN 2181-3558

VOLUME 2, ISSUE 10

COLLECTION B

OCTOBER 2023



Tahririyat a'zolari
Editorial board

Berdialiev A. f.f.d., prof.
Nurullaeva Sh.U. ped.f.d., prof.
Tursunov K.Sh. ped.f.d., prof.
Babadjanova D. tarix.f.d., prof.
Ernazarova G.O. ped.f.d., prof.
Abduraximova D.A. ped.f.d., prof.
Madumarov T.T. yur.f.d., prof.
Mirzayeva S.R. fil.f.d., prof.
Yuldashev M.M. fil.f.d., prof.
Xolliyev A.E. bio.f.d., prof.
Mahmudov N.M. fil.f.d., prof.
Salayeva M.S. ped.f.d., prof.
Salaeva M.S. psi.f.n., dotsent
Tojiboyeva M.A. fil.f.d., dotsent
Sabirova N.E. fil.f.d., dotsent
Norboyeva U.T. bio.f.d., dotsent
Yarmatov R.B. ped.f.d., dotsent
Egamberdiyeva N.A. tarix.f.d., dotsent

Achilov N.K. fil.f.d., dotsent
Imomova G.M. fil.f.n., dotsent
Zakirova H.R. f.f.n., dotsent
Tuhtahujaev H.B. ped.f.f.d., dotsent, TFA Akademik
Bakiyev Z.A. ped.f.n., dotsent
Razzakov H.K. tex.f.n., f.f.d., dotsent
Ortikov O.A. tex.f.f.d., dotsent
Djuraeva M.Y. f.f.f.d.
Nabikhodjaev A.A. iqt.f.n., dotsent
Otadjanova M.O. f.f.d.
Tajibaeva M.A. fil.f.d., dotsent
Hasanov A.M. fil.f.f.d.
Kholmurodov A.E. fiz.m.f.d., dotsent
Aripov O.A. iqt.f.d., dotsent
Safarova U.A. fil.f.d., dotsent
Dexqonova M.Sh. f.f.d.
Hasanov A.M. fil.f.d.

Mas'ul kotib: M.Yusupov

XALQARO TO'LOV TIZIMLARI, HISOB-KITOBLARNI O'TKAZISHNING O'ZIGA XOS JIXATLARI

Z.A.Umarov

i.f.d. prof. O'zbekiston Respublikasi Bank moliya akademiyasi professori

Axmedov Sherbek Foziljon o'g'li

O'zbekiston Respublikasi Bank moliya akademiyasi magistranti

Gmail: axmedovsherbek3@gmail.com

Annotatsiya. Ushbu maqola xalqaro hisob-kitoblarning mazmun – mohiyati va ularning turlari, tijorat banklarida qo'llaniladigan xalqaro hisob-kitob metodlari hamda xalqaro to'lov tizimlari va ularning turlari, ishlash usullari haqida.

Kalit so'zlar: Xalqaro hisob-kitob turlari, akkreditiv, ochiq hisobraqam, to'lov avansi, savdoni moliyalashtirish, dokumentli inkasso, risk, importyor, eksportyor, xalqaro to'lov tizimi, SWIFT, kontragent.

Аннотация. Данная статья о содержании и сущности международных расчётов и их видах, о методах международных расчётов используемых в коммерческих банках и о международных платёжных системах и их видах, методах работы.

Ключевые слова: Виды международных расчётов, аккредитив, открытый счёт, авансовый платёж, финансовая торговля, документарное инкasso, риск, импортер, экспортер, международные платёжные системы, SWIFT, контрагент.

Annotation. This article is devoted to types of international payment systems, and characteristics and types of international interbank settlements and methods of international payments. Using in commercial banks.

Key words: Types of international payment system, letter of credit, open account, cash-in-advance, finance trade, risk, documentary collection, importer, exporter, international payment system, SWIFT, counterparty.

Kirish. Keyingi yillarda valyuta siyosati va tashqi savdo faoliyati sohasini takomillashtirish bo'yicha ko'rilgan chora-tadbirlar mamlakatimiz iqtisodiyotiga xorijiy investitsiyalarni jalb qilish, eksport salohiyatini oshirish, zamonaviy, eksportga yo'naltirilgan ishlab chiqarishlarni hamda kichik biznes va xususiy tadbirkorlik subyektlarini barqaror rivojlantirishga xizmat qilgani qayd etish lozim. Shu bilan birga, valyuta muomalasi sohasining haddan ziyod ma'muriy tartibga solinishi alohida tarmoqlar va xo'jalik yurituvchi subyektlar uchun imtiyoz va preferensiyalarning asossiz ravishda kam samarali bo'lgan tizimini shakllantirdi, biznes yuritishda teng bo'lmagan shart-sharoitlarning vujudga kelishi va raqobatning bozor tamoyillari buzilishiga olib keldi, xorijiy investitsiyalarni jalb qilishda, tovarlar va xizmatlar eksportini oshirishda, umuman, mamlakatimiz iqtisodiy rivojlanishida to'sqinlik qiluvchi omilga aylandi.

Valyuta sohasini tartibga solishning bozor mexanizmlarini joriy qilish, respublika eksport salohiyatini oshirishni rag'batlantirish, to'g'ridan to'g'ri xorijiy

investitsiyalarni faol jalb qilish, mahalliy ishlab chiqaruvchilarning tashqi va ichki bozordagi raqobatdoshligini oshirish, mamlakatimizda investitsiya va ishbilarmonlik muhitini yaxshilash maqsadida: Valyuta bozorini yanada liberallashtirish sohasida davlat iqtisodiy siyosatining ustuvor yo'nalishlari etib quyidagilar belgilandi:

1. birinchidan, yuridik va jismoniy shaxslarning chet el valyutasini erkin sotib olish va sotish hamda o'z mablag'larini o'zining xohishiga ko'ra erkin tasarruf etish huquqlarini ro'yobga chiqarishni to'liq ta'minlash;

2. ikkinchidan, milliy valyutaning chet el valyutasiga nisbatan kursini belgilashda faqatgina bozor mexanizmlarini qo'llash;

3. uchinchidan, valyuta resurslaridan foydalanishda bozor instrumentlarining rolini oshirish, valyuta bozorida barcha xo'jalik yurituvchi subyektlar uchun teng raqobat sharoitlarini yaratish, valyuta siyosatining noan'anaviy tarmoqlarda eksportni rivojlantirishda, mintaqaviy va xalqaro iqtisodiy hamkorlikni mustahkamlashda rag'batlantiruvchi rolini oshirish;

4. to'rtinchidan, sifatli ish o'rinlari va yuqori qo'shilgan qiymatli mahsulotlar ishlab chiqarishni bevosita rag'batlantirish uchun iqtisodiyotning barcha sektorlariga to'g'ridan to'g'ri xorijiy investitsiyalar, bilim va texnologiyalar jalb etishga xizmat qiladigan ishbilarmonlik va investitsiya muhitini yaxshilash;

5. beshinchidan, bank tizimining barqarorligini ta'minlash va uning tavakkalchiliklarga bardoshlilikini, shu jumladan, valyuta siyosatini liberallashtirishning vujudga kelishi mumkin bo'lgan salbiy ta'sirini yumshatishga qaratilgan samarali choralarni qo'llash hisobiga oshirish;

Bugun O'zbekiston toboro jahon integratsiyalashuv jaroyiniga kirib bormoqda. Buning esa asosiy sababi davlatimiz rahbari va hukumatimiz tomonidan olib borilayotgan oqilona va uzoqni ko'zlagan tashqi iqtisodiy aloqalar, xususan chet el investitsiyasini yurtimizga olib kirish bilan bo'g'liq amalga oshirilayotgan ishlarni nazarda tutish mumkin. Shuningdek, O'zbekistonga Prefensiyalar bosh tizimi ("GSP+") bo'yicha benefitsiar mamlakat maqomining berilishi, O'zbekistondagi davlat ulushi bor banklarining chet ellik investorlarga sotilishi hamda O'zbekistonlik tadbirkorlarning chet ellik hamkorlari bilan to'g'ridan to'g'ri eksport-import operatsiyalari rivojlanishida yaqqol ko'rish mumkin.

Adabiyotlar sharhi

Tijorat banklaridagi xalqaro hisob-kitoblar, bular transchegaraviy to'lovlarni amalga oshirishning shartlari va tartiblarini o'z ichiga oluvchi tizim bo'lsa, yana boshqa tomondan tijorat banklarining o'z faoliyatini amalga oshirishdagi amaliy ko'rinishi ham hisoblanadi. Bu yo'nalishda xalqaro va O'zbekistonlik iqtisodchi - olimlar o'z fikrlarini bayon qilganlar. Xususan, bu to'g'risida T.I. Boboqulov, O'.A. Abdullayev, Navro'zova K.N, I.R. Toymuhammedov adabiyot va o'quv qo'llanmalarda o'z fikrlarini bayon etganlar.

Xalqaro hisob-kitoblar quyidagi o'ziga xos xususiyatlarga ega:

- Ular ma'lum bir mamlakat ichidagi qonun va normativlar bilan tartibga solinsa, bir paytning o'zida xalqaro qoidalar va tartiblarni ham muvofiq bo'lishi lozim.

- Xalqaro hisob-kitoblar yagona “hisob tili” orqali birlashtiriladi. Bu esa xalqaro moliyaviy operatsiyalarni intergratsiyasiga ko'maklashib, uning oshishiga olib keladi.

- Xalqaro hisob-kitoblar turli mamlakar valyutalarida hamda xalqaro valyutalarda amalga oshirilganligi sababli ular valyuta oldi – sotdisi bilan o'zaro bog'langan hisob-kitob operatsiyalari hisoblanadi.

- Xalqaro hisob-kitoblar xalqaro savdo operatsiyalari natijasida vujudga kelsa, ammo uni amalga oshiruvchi banklar ulardan ayro holda o'zaro shartnomalar tuzadilar.

Xalqaro hisob-kitob tizimining subyektlari (ishtirokchilari) quyidagilar :

- Importyorlar (mablag'larni to'lovchilar)
- Eksportyorlar (mablag'larni qabul qiluvchilar)
- Ularga xizmat ko'rsatuvchi banklar

Norezident banklar tomonidan O'zbekiston Respublikasi Markaziy bankida va O'zbekiston Respublikasining tijorat banklarida vakillik hisobvaraqlarini ochish uchun quyidagilar taqdim qilinadi:

- Norizident bankning to'liq nomi va uni ro'yhatdan o'tkazgan davlatdagi yuridik manzili ko'rsatilgan holda hisobvaraq ochish to'g'risida ariza;

- Imzo na'munalari va muhr izi qo'yilgan varaqcha hamda mazkur davlatning Markaziy (Milliy) banki tomonidan berilgan litsenziyaning legallashtirilgan nusxasi;

- Norizident bank tomonidan u ruyhatda o'tgan davlatda jinoiy faoliyatdan olgan daromadlarni legallashtirishga va terrorizmni moliyalashtirishga qarshi kurashish sohasidagi xalqaro standartlar qo'llanilishi to'g'risida axborot;

Korrespondentlik hisobraqam turlari :

- Nostro hisobraqam
- Loro hisobraqam
- Vostro hisobraqam

Nostro hisobvaraq – bu bankning boshqa bankda chet el valyutasida ochgan hisobraqami tushiniladi. Nostro hisobvaraq xorihiy valyutani almashtirish va sotish jarayonini osonlashtiradi. Konvertatsiya qilinadigan asosiy valyutalar AQSh dollari, Kanada dollari, Britaniya funt stirlingi, evro va yapon yenasi.

Vostro hisobvaraq – bu chet el bankida ochilgan nostro hisobvaraq hisoblanadi. Masalan, ATB “Qishloq qurilish bank” ning Germaniyaning “Commerzbank”da nemis markasida “nostro” hisobvarag'ini ochgan va unda nemis markasida yuritiladi. Bu hisobraqam bizninh bank uchun nostro, “Commerzbank” uchun esa “vostro” hisobraqam hisoblanadi. Agar boshqa bir chet el banki ATB “Qishloq qurilish bank” da milliy valyutada hisobraqam ochsa bu “*loro*” hisobvarag'i hisoblanadi.

Xalqaro amaliyotda to'lov tizimlarining quyidagi turlari mavjud: SWIFT, FedWire, CHIPS, CHAPS, TARGET va CIIΦC.

SWIFT (Society for Worldwide Interbank Fianancial Telecommunications) - bu butunjahon banklararo moliyaviy telekommunikatsiyalar hamjamiyati.

FedWire (Federal Reserve Wire Network) esa, AQSH Federal Reserve uchun ishlab chiqilgan.

CHIPS (The Clearing House Interbank Payments System) – bu pul o'kazmalari uchun xususiy sektorning AQSH dollaridagi to'lovlarni o'tkazish va hisob-kitob qilish tizimi. Nyu-york kliring palatalari xalqaro to'lov tizimi.

CHAPS (The Clearing House Automated Payment System) – bu Buyuk Britaniyada funt stirlingda amalga oshiriladigan operatsiyalar uchun hisob-kitob tizimi.

TARGET – bu Evropa Ittifoqi davlatlari uchun real vaqt rejimida ishlaydigan to'lov tizimi.

СПФС – bu Rossiya Banki moliyaviy xabarlarni uzatish tizimi. СПФС moliyaviy xabarlarning mamlakat ichida ham, chet elda ham uzluksiz uzatilishini kafolatlaydi. Bunday holda, hisob-kitoblar vakillik munosabatlari doirasida kredit tashkilotlari o'rtasida amalga oshiriladi.

Xalqaro amaliyotda tijorat banklari tomonidan amalga oshiriladigan to'lovlarning quyidagi 5 ta xalqaro hisob-kitob turlarini keltirish mumkin:

1. To'lov avansi (Cash in advance)
2. Inkasso (Collections)
3. Akkreditiv (Letter of credit)
4. Ochiq hisobraqam orqali (Open account)
5. Savdoni moliyalashtirish (Consignment&Trade finance)

O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki qarori bilan, Adliya vazirligidan 2021 yil 26 noyabrda ro'yhatdan o'tgan AV-3336 sonli “ Tijorat banklarida buxgalteriya hisobining hisobvaraqlar rejasi” ga muvofiq, ushbu hisobvaraqlar quyidagicha raqamlangan:

10301 Markaziy bankdagi vakillik hisobvarag'idan olinishi lozim bo'lgan mablag'lar- Nostro. Bu hisobvaraqa bankning banklararo hisob-kitoblarni amalga oshirish uchun Markaziy bankka joylashtirgan bo'sh pul mablag'larining hisobi olib boriladi.

10501 Boshqa banklardagi vakillik hisobvaraqlaridan olinishi lozim bo'lgan mablag'lar — Nostro. Bu bankning banklararo hisob-kitoblarni amalga oshirish maqsadida boshqa banklarga qo'ygan pul mablag'larining hisobi olib boriladi.

20806 Markaziy bankdagi vakillik hisobvarag'iga to'lanishi lozim bo'lgan mablag'lar — Nostro, overdraft. Bu hisobvaraqa, ilgari mavjud bo'lgan debet saldodan to'lovni amalga oshirishdagi summaning oshib ketishi natijasida aktiv 10301 hisobvarag'ida paydo bo'lgan kredit qoldiq hisobga olinadi. Hisobvaraqa kreditida 10301 hisobvaraqa paydo bo'lgan kredit qoldiq summasi aks ettiriladi.

21006 Bankning boshqa banklardagi vakillik hisobvaraqlariga to'lanishi lozim bo'lgan mablag'lar — Nostro, overdraft.

10305 Markaziy bankning vakillik hisobvarag'idan olinishi lozim bo'lgan mablag'lar — Vostro, overdraft. Bu hisobvaraqa, to'lovlarni amalga oshirishda 20802 hisobvarag'ida ilgari mavjud bo'lgan kredit qoldig'idan oshib ketish natijasida yuzaga kelgan debet qoldiq hisobga olinadi.

10505 Boshqa banklarning vakillik hisobvaraqlaridan olinishi lozim bo'lgan mablag'lar — Vostro, overdraft. U hisobvaraqlar, to'lovlarni amalga oshirishda 21002 hisobvarag'ida ilgari mavjud bo'lgan kredit qoldig'idan oshib ketishi natijasida yuzaga kelgan debet qoldiq summasi hisobga olinadi.

20802 Markaziy bankning vakillik hisobvarag'iga to'lanishi lozim bo'lgan mablag'lar — Vostro. Bu hisobvaraqlarda Markaziy bankning tijorat banklarida ochilgan vakillik hisobvarag'idagi mablag'lari hisobi olib boriladi.

Tadqiqot metodologiyasi

Banklararo xalqaro hisob-kitoblar ham bank joylashgan davlatning milliy qonunchiligi asosida, ham xalqaro normalar asosida tartibga solinadi. Bir davlat ichidagi to'lovlar o'sha davlatning ichki to'lov tizimlari orqali amalga oshirilsa, masalan O'zbekistonda "Humo" yoki "Uzcard" milliy to'lov tizimlarida amalga oshirilsa, xalqaro to'lovlar esa ikki tomonlama vakillik munosabatlariga asoslanadi, masalan SWIFT, TARGET va boshqalar.

1-Jadval.

Xalqaro to'lov tizimlari va ulardagi bir kunlik tranzaksiya miqdori to'g'risida.

Xalqaro to'lov tizimi nomi	Joylashgan davlati	Asos solgan tashkilot (davlat)	Bir kunlik tranzaksiyalar miqdori	A'zolari soni	Tranzaksiya o'tkazish narxi
SWIFT	Belgiya	19 ta davlatdagi 248 ta bank hammuasligida	5 trln AQSH dollari	11 000	Har bir tranzaksiyadan 3-5 % gacha
FedWire	AQSH	AQSH Federal Reserivi	4.3 trln AQSH dollari	5 000	14000 AQSH dollarigacha 0.92 dollar
TARGET	Yevropa Ittifoqi	Yevropa davlatlari	2.2 trln QSH dollari	19 ta Yevropa davlatlari banklari	Bir oylik- 1000 euro, 1 ta tranzaksiya uchun-0.8 euro
CHIPS	AQSH, Nyu-York	The Clearing House MCHJ	1.8 trln AQSH dollari	50	5 AQSH dollari har bir tranzaksiya uchun
CHAPS	Angliya, London	The Bankers Clearing House	0.72 trln euro	20 ta to'g'ridan to'g'ri ishtirokchi, Bank of England va 4500 ta bilvosita ishtirokchi	35 funt stirling har bir tranzaksiya uchun
СПФС	Rossiya	Rossiya Markaziy Banki		12 ta davlatning 74 dan ortiq banki (asosan Rossiya	1 ta xabar uchun 0.8-1 Rossiya rubli

				banlari)	
--	--	--	--	----------	--

To'lov turlari (metodlari) da tomonlarning quyidagi xususiyatlarini ko'rish mumkin:

- Xalqaro savdo eksportchi va impartyor o'rtasida to'lovlarni amalga oshirish muddatlari bo'yicha muddatlari bo'yicha noaniqlikni keltirib chiqarishi mumkin;
- Eksportchilar uchun har qanday qilingan eksport (sotilgan tovar va ko'rsatilgan ish, xizmat) to'lov olinmaguncha "sovg'a" hisoblanadi.
- Shuning uchun impartyorlar to'lovlarni imkon qadar tezroq olishni xohlaydi, iloji bo'lsa mahsulot jo'natilishidan oldin yoki buyurtma berilgan zahoti
- Impartyorlar uchun esa tovar qabul qilinguncha har qanday to'lov "hayriya" hisoblanadi.
- Import qiluvchilar tabiiyki, tovarlarni imkon qadar tezroq olishni xohlaydi, to'lovni esa imkon qadar kechroq qilishni xohlashadi. Iloji bo'lsa sotib olingan import tovarni qayta sotgandan so'ng to'lovni amalga oshirishni xohlaydi

1. To'lov avansi (cash in advance).

To'lov avansi xalqaro amaliyotda ko'p qo'llaniladigan xalqaro to'lov usuli hisoblanadi. Bu usul orqali eksportyor kredit riskidan qochishi mumkin, chunki to'lov tovar jo'natilishidan oldin olinadi. To'lov avansida xalqaro savdolar uchun pul o'tkazmalari va kredit kartalar eksportchilar uchun mavjud bo'lgan eng ko'p ishlatiladigan yo'nalish hisoblanadi. Shuningdek eksrou xizmatidan ham foydalanishi mumkin. Biroq, oldindan to'lovni oldindan talab qilish xaridor uchun eng kam jozibador variant hisoblanadi.



1-rasm. To'lov avansining harakati.


2. Inkasso (Collection).

Hujjatli inkasso (documentary collection) – bu eksport qiluvchi o'zining banki (rimitent bank) ga sotish uchun to'lovni inkasso qilishni ishonib topshiradigan operatsiya hisoblanadi. Eksportyor kerakli hujjatlarni o'z bankiga taqdim etadi, bank esa importyorning bankiga ko'rsatmalar bilan yuboradi. Mablag' import qiluvchidan olinadi va inkassoda ishtirok etuvchi banklar orqali eksportyorga o'sha hujjatlar evaziga o'tkaziladi. Dokumentli inkasso odatda akkreditivga qaraganda arzonroq. Hujjatli inkasso eksport qiluvchi uchun to'lovning bir usuli hisoblanadi. Bu usul ko'proq ishonchli mijoz va doimiy aloqa o'rnatilgan importyor mijozlar bilan qo'llanilishi maqsadga muvofiq. Bu usul eksport operatsiyasini soddalashtiradi hamda to'lovni tezroq olishga imkon beradi, shu bilan birga akkreditivga nisbatan arzon hisoblanadi.

3. Akkreditiv (Letters of credit).

Akkreditivlar xalqaro savdo ishtirokchilari uchun eng xavfsiz to'lov usulidir. Akkreditiv- bu chet ellik xaridor (importyor) ning banki tomonidan eksportyor tovarni jo'natgandan keyin to'lash to'g'risidagi shartnomaviy majburiyatidir hamda dalil sifatida eksportyor hujjatlarni o'zining bankiga taqdim etadi. Akkreditiv xalqaro to'lov metodlari orasida eng risksizi hisoblanib, eksportyorni himoya qiluvchi, unga pulni yetib kelishini ta'minlovchi to'lov usulidir. Ular eksport qiluvchilar uchun tashqi bozorlarda yangi mijozlar bilan buyurtmalarni yutib olishga yordam beradi. Bunda, eksportyor to'lov kafolatini oladi, shu bilan birga importyorga oqilona to'lov shartlarini taklif qiladi. Akkreditiv eng xavfsiz to'lov turi hisoblanadi ammo u ko'p mehnat va vaqt talab qiladi va shuning uchun ham akkreditiv qimmat bank xizmat turi hisoblanadi.

Akkreditivning aylanish sikli



2-Rasm. Akkreditivning aylanishi.

Akkreditivning eksportyor uchun foydali jihatlari:

- To'lovning kafolatlanganligi;
- To'lov shartlarining oqilona taklif qilinishi;

Akkreditivning eksportyor uchun foydali jihatlari:

- Tovarning to'lov qilinishi oldin yuborilishini kafolatlanganligi;

4.Ochiq hisobraqam orqali hisob-kitob (Open account or Accounts payable).

Ochiq hisobraqam operatsitasi – bu tovar jo'natilgan va Tovar muddatidan oldin yetkazib berilgan savdo bo'lib, xalqaro savdolarda odatda 30, 60 yoki 90 kun ichida amalga oshiriladi. Shubhasiz bu usul importyor uchun xavfsiz va foydali to'lov usuli bo'lsa, eksportyor uchun eng yuqori xavf varian hisoblanadi. Eksport bozorlaridagi kuchli raqobat tufayli chet ellik xaridorlar eksportchilarni ochiq hisobvara shartlarini qo'yishadi va eksportyor bunga majbur bo'ladi. Chunki xorijda xaridorga tovarni kreditga sotish keng tarqalgan. Kreditga mahsulotini sotishni istamaydigan eksportchilar mijoz topishda qiyinchilikga duch keladi. Ochiq hisobraqam shartlarini taklif qilganda eksportyor eksport krediti sug'urtasidan foydalangan holda qo'shimcha riskni kamaytirishi mumkin.

MHS (MCΦO, IFRS) da bu usul ko'rsatib o'tilgan bo'lib, bunda tovarlar ikki ko'rinishda naqd pulga “cash” ga sotiladi yoki kreditga “kredit” ga sotiladi.

Bunda eksportyor MHS bo'yicha quyidagicha ikki yoqlama yozuvni yozadi.

Dr receivables (debitor qarzdorlik)

Cr sales (revenue) (asosiy faoliyatdan tushim)

Importyor esa quyidagicha ikkiyoqlama yozuvni yozadi.

Dr. Purchase (TMZ)

Cr. Payable (Qisqa muddatli majburiyatlar)

2-Jadval


Ochiq hisobraqam metodining afzallik va kamchiliklari.

	Afzallilari	Kamchiliklari
Importyor	-Tovarlarni to'lov qilishdan oldin oladi -Ijobiy pul oqimi	Minimal
Eksportyor	-Raqobatbardosh bozorlarda mijozlarni jalb qilish mumkin	Yuqori risk darajasi

5. Savdoni moliyalashtirish (Consignment/ Trade finance).

Xalqaro savdoda bu usul Ochiq hisobraqam orqali amalga oshiriladigan to'lov usuliga o'xshab ketadi ammo undan farq qiladi. Bunda to'lov eksportchiga Tovar xorijiy distribyutor tomonidan oxirgi mijozga sotilgandan keyingina yuboriladi. Xalqaro savdoni moliyalashtirish shartnomaviy kelishuvga asoslanadi. Bunda tovarlarni xorijiy distribyutor o'ziga qabul qiladi, uni boshqaradi va uni eksportyor uchun sotuvini amalga oshiradi, ammo tovarga egalik eksportyorning o'zida qoladi. Xorijiy savdoni moliyalashtirish eksportyor uchun yuqori riskli


hisoblanadi, chuni hech qanday to'lov kafolatlanmaydi va uning tovarlari xorijda distribyutor yoki mustaqil agent qo'lida bo'ladi. Bu usul eksportyorga tovarini tezroq sotilishi va omborda turib qolmasligini va bu orqali xarajatlarni kamaytirish imkonini beradi.



3-Rasm. Savdoni moliyalashtirish.

Kontragentlar amalga oshiradigan xalqaro to'lovlarning har birida ma'lum miqdorda risk mavjud ya'ni to'lovning amalga oshmasligi yoki tovar (ish va xizmat) larning o'z vaqtida bajarmasligi kabi. Shuning uchun har bir kontragent riski kam bo'lgan to'lov turini tanlashga harakat qiladi.

Quyidagi rasmda xalqaro to'lov ishtirokchilari (kontragent) ning risk darajasi ko'rsatilgan.



4-Rasm. Eksportyor va impartyorlar uchun xalqaro hisob-kitoblardagi to'lov usullarining risk darajasi.

4- rasmda eksport va import qiluvchi XYuS uchun risk darajasi ko'rsatilgan. Bunda eksportyor va impartyor korxonalar uchun risk darajasi teskari holatda nomoyon bo'ladi. Sababi, eksportyor uchun risk darajasi kam bo'lgan xalqaro to'lov shakli impartyor uchun yuqoriroq risk darajasini keltirib chiqarishi mumkin.

Xulosa

Bugungi kunda moliyaviy globallashtirish va texnik imkoniyatlarning jahon moliya bozoriga integratsiyalashuvi tufayli xalqaro banklararo hisob-kitoblar tadqiqotning dolzarb mavzusi hisoblanadi. Kredit muassasasida o'rnatilgan hisob-kitob mexanizmining yo'qligi bankning rivojlanishiga to'sqinlik qiladi va mavjud operatsiyalarni qo'llash imkonini bermaydi. Shuning uchun xalqaro banklararo hisob-kitoblarni amalga oshirish bo'yicha puxta tuzilgan siyosat korxonalar faoliyatining muhim jihati bo'lib, xalqaro banklararo faoliyat bilan shug'ullanuvchi yuqori rahbariyat va kompaniya xodimlarining professionalligidan dalolat beradi.

Xalqaro banklararo hisob-kitoblarni amalga oshirish muammolarini faqat banklararo bozordagi operatsiyalar ulushini oshirish orqali hal qilib bo'lmaydi. Kredit tashkiloti faoliyatining ushbu sohasini rivojlantirish uchun xalqaro huquqiy normalar va bank faoliyatini amalga oshirish qoidalariga rioya qilish kerak. Bundan tashqari, banklararo hisob-kitoblarning global hamjamiyatiga integratsiyalashuvning texnik tarkibiy qismini hisobga olish kerak.

Ishni bajarish jarayonida xalqaro banklararo hisob-kitoblarning nazariy jihatlari, ularning mohiyati, tuzilishi, amalga oshirishning huquqiy asoslari ko'rib chiqilib, hisob-kitoblar shakllari va jahon banklararo to'lov tizimlari ham o'rganildi.

Adabiyotlar

1. O'zbekiston Respublikasining 2019 yil 11 noyabrdagi O'RQ-582 sonli "O'zbekiston Respublikasi Markaziy Banki to'g'risida" gi Qonuniga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish haqidagi Qonuni (Yangi tahrir)
2. O'zbekiston Respublikasining 2019 yil 05 noyabrdagi O'RQ-580 sonli "Banklar va bank faoliyati to'g'risida" gi O'zbekiston Respublikasi Qonuniga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish haqidagi Qonuni
3. O'zbekiston Respublikasining 2019 yil 01 noyabrdagi O'RQ-578 sonli "To'lovlar va to'lov tizimlari to'g'risida" gi Qonuni
4. O'zbekiston Respublikasining "Valyutani tartibga solish to'g'risidagi" O'zbekiston Respublikasi Qonuniga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish to'g'risidagi O'RQ-573 sonli Qonuni
5. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 02 sentabrdagi PF-5177 sonli "Valyuta siyosatini liberallashtirish bo'yicha birinchi navbatdagi chora-tadbirlar to'g'risida" gi Farmoni
6. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 03 noyabrdagi "Tashqi savdo faoliyatini yanada erkinlashtirish va tadbirkorlik subyektlarini qo'llab – quvvatlash chora-tadbirlari to'g'risida" gi PF-3351 sonli Farmoni
7. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020 yil 14 maydagi "O'zbekiston Respublikasida tashqi savdo operatsiyalari monitoringini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida" gi VM-283 soli Qarori
8. O'zbekiston Respublikasi Markaziy bankining "O'zbekiston Respublikasida naqd pulsiz hisob-kitoblar to'g'risida"gi 3229 sonli Nizom, 2020 yil 13 aprel.
9. O'zbekiston Respublikasi Markaziy bankining "Bank hisobvaraqlarini ochish, yuritish va yopish tartibi to'g'risidagi yo'riqnoma" gi 3420 sonli Nizom, 2023 yi 08 fevral.
10. O'zbekiston Respublikasi Markaziy bankining "Tijorat banklarida buxgalteriya hisobining hisobvaraqlar rejasi" 3336 son, 2021 yil 26 noyabr
11. O'zbekiston Respublikasi Markaziy bankining "O'zbekiston Respublikasida valyuta operatsiyalarini amalga oshirish qoidalari tasdiqlash to'g'risidagi" 3281 sonli Nizom, 2020 yi 31 avgust
12. Тоймухамедов И., Умаров З., Хусайнов Г. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ва тўлов тизими. Ўқув қўлланма. – Т.: LESSON PRESS, 2018 й. 215-218 б.
13. Умаров З. А. Бухгалтерский учет в банках: Учебник //Умаров ЗА, Муругова ИА, Бабаева ГЯ.
14. Умаров З. А., Азимов Б. Банк кафолати ва унинг ҳисоби //Молия илмий журнали. – 2021. – С. 98-106.
15. Умаров З. А. Банкларда бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. Т.: 2021. 621 бет.
16. "Xalqaro valyuta-кредит муносабатлари" ўқув қўлланма. Т.И.Бобоқулов, О'.А.Абдуллаев. Toshkent-2014.

RABIN-KARP ALGORITHM IN ALGORITHMS

Abdullayeva Dilobar

*Department of Computer Engineering, Tashkent University of Applied
Sciences ,190111, Uzekistan
leylamleyla765@gmail.com*

Saydazimov Javlonbek Karimovich

*Tashkent university of information technologies named after Muhammad al
Khorazmi
javlonbek2020@gmail.com*

Abstract. The algorithm is rarely used to match a single pattern, but has significant theoretical significance and is very effective in finding the matches of multiple patterns of the same length. for a text of length n and a pattern of length m , its average and best execution time is $O(n)$ with a correctly selected hash function (see below), but in the worst case it has an $O(nm)$ efficiency, one of the reasons why it is not so widely used. For applications where incorrect positives can be tolerated in search, i.e. applications where some instances of a pattern being found may not actually match the pattern, the Rabin-Karp algorithm works in guaranteed $O(n)$ time and with an appropriate choice of random selection.

Introduction. To perform, the P0 process is selected first. The duration of its processor crack is greater than the value of the time quantum, and therefore the process is performed until the quantum expiration, that is, within 4 time units. After that, it is placed at the end of the queue of ready-to-do processes, which takes the appearance of P1, p2, p0. The next P1 process begins to be executed. Its execution time corresponds to the size of the allocated Quantum, so it continues until the process is complete. Now the turn of the processes in the finished state consists of two P2, p0 processes. The processor is reserved for the p2 process.

Rabin-Karp algorithm

Material from Wikipedia - free encyclopedia

The Rabin-Karp algorithm is a row search algorithm that uses hashing to search for a pattern, i.e. a bottom row, in text. It was developed in 1987 by Michael Rabin and Richard Karp .

The algorithm is rarely used to match a single pattern, but has significant theoretical significance and is very effective in finding the matches of multiple patterns of the same length. for a text of length n and a pattern of length m , its average and best execution time is $O(n)$ with a correctly selected hash function (see below), but in the worst case it has an $O(nm)$ efficiency, one of the reasons why it is not so widely used. For applications where incorrect positives can be tolerated in search, i.e. applications where some of the pattern's found States may not actually match the pattern, the Rabin-Karp algorithm is guaranteed in $O(n)$ time and the appropriate choice of random selection

Material from Wikipedia - free encyclopedia

The Rabin-Karp algorithm is a row search algorithm that uses hashing to search for a pattern, i.e. a bottom row, in text. It was developed in 1987 by Michael Rabin and Richard Karp

The algorithm is rarely used to match a single pattern, but has significant theoretical significance and is very effective in finding the matches of multiple patterns of the same length. for a text of length n and a pattern of length m , its average and best execution time is $O(n)$ with a correctly selected hash function (see below), but in the worst case it has an $O(nm)$ efficiency, one of the reasons why it is not so widely used. For applications where incorrect positives can be tolerated in search, i.e. applications where some instances of a pattern being found may not actually match the pattern, the Rabin-Karp algorithm works in guaranteed $O(n)$ time and with an appropriate choice of random selection. hash function (pa

Since the number of lines we are looking for, k , is so large, traditional one-line search algorithms become inefficient.

Content

1 bottom row search by Shift and competing algorithms

2 using hashing to find the bottom rows on the ceiling

3 Hash function is used

3.1 misconceptions about multi-named hashes

4 Rabin-search for carp and many specimens

5 See also

6 Note

7 literature

Substring ceiling search and competing algorithms

The main task of the algorithm is to find a string of length m in a text of length n , which is called a pattern. One of the simplest algorithms for this task is looking for a bottom line in all possible places:

1 function NaiveSearch (string $s[1..n]$, string $sub[1..m]$).

1 for 1 to $n-m+1$ for 2

3 for j from 1 to m

4 if $s[i+j-1] \neq sub[j]$

5 proceed to the next iteration of the outer cycle

6 return i

7 return not found

This algorithm is y in many practical cases

Load matching algorithms

Medial

Sooner or later, web applications will exceed the autonomy of one server. Companies must record both their identity or or other acquisition. To do this, they place their applications on multiple servers and put a load balance in front of it to distribute incoming requests. To cope with the workload, companies working on a web application may require thousands of servers.

In the Ush post, we will consider ways to distribute single load balancer HTTP requests to multiple servers. We start from the bottom and move on to modern algorithms for cleaning loads.

Visualization of the problem

Let's start from the very beginning: requests are sent to one server with one balance. Queries ask (RPS) per second

To perform, the P0 process is selected first. The duration of its processor crack is greater than the value of the time quantum, and therefore the process is performed until the quantum expiration, that is, within 4 time units. After that, it is placed at the end of the queue of ready-to-do processes, which takes the appearance of P1, p2, p0. The next P1 process begins to be executed. Its execution time corresponds to the size of the allocated Quantum, so it continues until the process is complete. Now the turn of the processes in the finished state consists of two P2, p0 processes. The processor is reserved for the p2 process. The allocated processor is completed by the time it runs out, and the next Quanta are allocated for processing p0 - the only one that has not finished its work at the moment. the waiting time for the P0 process (the number of characters "G" in the corresponding line) is 5 time units, for the P1 process - 4 time units, for the P2 process - 8 time units.

Rabin-Karp algorithm methods

The original algorithm proposed by Miller was deterministic and consisted of checking all $\{ \displaystyle 70 \ln(m)^2 \}$. Miller's algorithm is guaranteed to recognize prime and composite numbers, provided that the generalized Riemann hypothesis is satisfied. The Miller-Rabin algorithm does not depend on the validity of the generalized Riemann hypothesis, but is probabilistic

Тест Миллера - Рабина

- ▶ Пусть a — нечётное число большее 1. Число $m - 1$ однозначно представляется в виде $m - 1 = 2^s \cdot t$, где t нечётно. Целое число a , $1 < a < m$, называется **свидетелем простоты** числа m , если выполняется одно из условий:

$$a^t = 1 \pmod{m}$$

- ▶ Или существует целое число k , $0 \leq k < s$, такое, что

$$a^{2^k t} = m - 1 \pmod{m}$$

- ▶ **Теорема Рабина** утверждает, что составное нечётное число m имеет не более $\phi(m) / 4$ различных свидетелей простоты.

Another noteworthy algorithm for text search is the Rabin-Karp algorithm, which is based on the hashing method. I will try to explain in detail how it works.

Let us have the following text: FINDINAHAYSTACKNEEDLEINA
Pattern: NEEDLE

a hash number is generated based on characters from 0 to M-1 in the pattern.
Here, M is the number of characters in the pattern.

in each [i..N-1] cycle, a hash number is generated for i to M + i - 1
characters in the text. Here, N is the number of characters in the text

If the pattern hash and the text substring hash are equal to each other, the
pattern is found in the text.

One of the fastest and easiest ways to generate a hash number is to take the
code of each character of the pattern, add them together, and divide it by a large
prime number, leaving a remainder. In Javascript, this is done as follows

```
const primeNumber = 997 // prime number
const pattern = "NEEDLE" // search term
const hash = pattern.split("").map(char => char.charCodeAt()).join("") %
primeNumber
```

```
// hash number for pattern is 769
INDINAHAYSTACKNEEDLEINA
FINDIN // 5 != 769
INDINA // 877 != 769
NDINAH // 105 != 769
DINAH // 259 != 769
INAHAY // 541 != 769
NAHAYS // 414 != 769
AHAYST // 271 != 769
HAYSTA // 963 != 769
AYSTAC // 805 != 769
YSTACK // 535 != 769
STACKN // 507 != 769
TACKNE // 178 != 769
ACKNEE // 98 != 769
CKNEED // 615 != 769
KNEEDL // 317 != 769
NEEDLE // 769 == 769
```

A very simple and ingenious method!

Discussion

The hash generation method above may run slower due to the use of split()
and join() methods. Therefore, we will perform hash generation using the proven
method - Horner's method. The general formula is as follows::

$$x_i = (t_i * R^{M-1} + t_{i+1} * R^{M-2} + \dots + t_{i+M-1} * R^0) \% Q$$

Bu yerda:

x_i – matndagi [i..M + i – 1] substring uchun hash soni.

t_i – str.charCodeAt(i) – matn/pattern belgisining ASCII jadvalidagi raqami.

R – radix soni. ASCII uchun 128 yoki 256.

M – patterndagi belgilar soni.

Q – tub son.

The probability of a collision in a hash function depends on how big the prime number Q is. For example, if the number Q is greater than $M * N^2$, the probability of collision is equal to $1/N$. So we have generated the hash number of the pattern. Now it generates a hash number from each i to $M + i - 1$ substrings in the text and compares it to the hash number of the pattern. Hash is generated in the same way for both substring and pattern

References

1. Urinov, K. O., Jumanov, K. A., Khidirov, A. M., Urinov, S. K., Abdiyev, J. M., Jumaboyev, T. A., & Eshmirzayev, M. R. (2020, April). Magnetocaloric effect in polycrystalline cobalt. In *Journal of Physics: Conference Series* (Vol. 1515, No. 2, p. 022079). IOP Publishing.
2. Saidov, A. S., Saparov, D. V., Usmonov, S. N., Kutlimratov, A., Abdiev, J. M., Kalanov, M., ... & Akhmedov, A. M. (2021). Investigation of the Crystallographic Perfection and Photoluminescence Spectrum of the Epitaxial Films of $(Si)_{1-x}(GaP)_x$ ($0 \leq x \leq 1$) Solid Solution, Grown on Si and GaP Substrates with the Crystallographic Orientation (111). *Advances in Condensed Matter Physics, 2021*, 1-8.
3. LEYDERMAN, A., Saidov, A. S., USMONOV, S., Abdiyev, J. M., & Suyarov, Q. T. (2021, February). INFLUENCE OF WEAK GRADED GAP ON INJECTION DIFFUSION REGIMES OF CURRENT TRANSPORT IN SEMICONDUCTOR PN-STRUCTURES. In *Congress Dates* (p. 40).
4. Leiderman, A. Y., Saidov, A. S., & Abdiyev, J. M. (2021). Injection diffusion processes in the weak linear graded-band semiconductor pn-structures. *Euroasian Journal of Semiconductors Science and Engineering, 3*(1), 3.
5. Abdiev, J., Safarov, O., & Julanov, H. (2022). Study of the properties of polymer composites–reinforcement based on glass and basalt fibers. *Eurasian Scientific Herald, 7*, 77-88.
6. Abdiev, J., & Safarov, O. (2022). Basalt fiber-basic (primary) concepts. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal, 3*(4), 212-240.
7. Abdiev, J., Abdieva, N. M., & Khasanova, D. Y. (2022). Physical Terms, Problems and Their Solutions. *Problems and Their Solutions (March 25, 2022)*.
8. Qo'chqarovna, M. U., & Safarali, D. (2022). Theory of dependence of ultrasound absorption (amplification) in semiconductors on electron scattering mechanism. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal, 3*(7), 480-489.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЖАҲОН САВДО ТАШКИЛОТИГА АЪЗО БЎЛИШИДАН КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР

И.Д. Тораходжаева

ДБҚ Божхона институти

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш факультети

“Махсус фанлар” кафедраси катта ўқитувчи

Аннотация. Мақолада келажакдаги иқтисодий ўсишнинг асосий манбаи Жаҳон Савдо Ташкилотига Ўзбекистоннинг аъзо бўлиши эканлиги ва бу жараённинг барча ижобий ҳамда салбий оқибатлари ёритилган бўлиб, кутилаётган оқибатлар кенг баён қилинган. Шунингдек мақолада бу борадаги Ўзбекистоннинг позицияси ҳам акс этган.

Калит сўзлар: Жаҳон савдо ташкилоти, антидемпинг процедуралар, тариф, энг қулай давлат режими, хизматлар бўйича Бош келишув (ГАЦ).

Аннотация. В статье освещены все положительные и отрицательные последствия присоединения Республики Узбекистан в Всемирную Торговую Организацию как основой источник будущего экономического роста страны. А также подробно описаны ожидаемые последствия с связи с членством в данную организацию.

Ключевые слова: Всемирная торговая организация, антидемпинговые процедуры, тариф, режим наибольшего благоприятствования, Генеральное соглашение по услугам (ГАЦ).

Annotation. The article highlights all the positive and negative consequences of the Republic of Uzbekistan joining the World Trade Organization as the basis for the country's future economic growth. The expected consequences of membership in this organization are also described in detail.

Key words: World Trade Organization, anti-dumping procedures, tariff, most favored nation treatment, General Agreement on Services (GAS).

XXI асрга келиб дунё миқёсида ишлаб чиқаришнинг ривожланишига нисбатан жаҳон савдосининг ўсиши тезлашганлиги яққол кўзга ташланмоқда. Ўтган асрнинг 80-йилларида ривожланган давлатлардаги саноат ишлаб чиқарилиши ҳажми 171% ўсган холда экспорт ҳажми – 270%, импорт ҳажми эса 248% кўпайганлиги маълум. Бундай ҳолат мамлакатлар ўртасида ташқи савдо муносабатларининг жадал ривожланишига олиб келди.

Бугунги кунга келиб, халқаро миқёсда мамлакатлараро савдонинг тез ривожланишига асосан қуйидаги омиллар таъсир кўрсатмоқда:

1. Бозор муносабатларига асосланган ишлаб чиқариш ривожланишига туртки бўлувчи жаҳон бозорининг шаклланиши;

2. Турли мамлакатларда айрим тармоқлар бир текис ривожланмаслиги энг тез ривожланувчи тармоқлар маҳсулотларини ташқи бозорда сотишга интилиши;

3. Ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш имконияти ички бозорнинг торлиги ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш имкониятини бермаслиги ҳар бир мамлакат тадбиркорлари ташқи бозорни эгаллаш учун кураш олиб бораётганлиги;

4. Фан ва техника тараққиёти натижасида ишлаб чиқаришда рўй берувчи ўзгаришлар халқаро миқёсда ихтисослашув ва кооперация ривожланишига олиб келганлиги оқибатида товар айирбошлашнинг ўсганлиги;

5. Давлат ўртасида товар айирбошлашнинг кўпайиши сингари омиллар давлатлараро халқаро савдонинг тез ўсишига олиб келди.

Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш ҳар бир мамлакат учун қатор имтиёзлар берилиши билан бирга халқаро иқтисодий муносабатларда маълум қийинчиликлар ҳам туғдиради, баъзи меъерий тартибларга риоя қилишни талаб этади.

Ўзбекистоннинг ЖСТ ва халқаро савдо тизимига интеграциялашуви барқарор ва олдиндан кўриш ҳамда режалаштириш имконини берадиган савдо тизимида ўзининг тараққиёт стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имконини яратади.

ЖСТга аъзо бўлиш мамлакатимиз учун қуйидаги имкониятларни бериши мумкин:

Биринчидан, ташқи савдони қулай шароитда амалга ошириш учун имкониятлар яратилади, яъни қишлоқ хўжалик ва тўқимачилик маҳсулотлари ҳамда кимё саноати маҳсулотлари экспортини сезиларли даражада ошиш имконияти яратилади.

Иккинчидан, ЖСТга аъзо бўлган барча мамлакатлар ҳудудидан транспорт воситасида эркин ҳаракатланиш имконият яратилади.

Учинчидан, денгизга чиқишда ЖСТга аъзо мамлакатлар ҳудуди орқали эркин ҳаракатланиш учун шароитлар яратилади.

Тўртинчидан, халқнинг турмуш даражасини яхшилашга туртки берилади ҳамда инсонларга янада сифатли маҳсулот етказиб бериш имконияти вужудга келади.

Бешинчидан, меҳнат бандлигига ижобий таъсир этилади.

Олтинчидан, божхона, тариф, солиқ ва валюта сиёсатининг халқаро талаблар асосида иқтисодий интеграцияга тўсқинлик қилувчи муаммоларини бартараф этиш имконияти пайдо бўлади.

Шунингдек, катта ҳажмда чет эл инвестицияларини ва турли ишлаб чиқариш ҳамда аҳолининг юқори даражада иш билан бандлиги (ишлаб чиқариш ёки саноатнинг бошқа сердаромад соҳаларида)га эришилади. ЖСТга аъзо бўлиш билан ноқонуний сотилаётган сифатсиз маҳсулотлардан истеъмолчиларни ҳимоя қилиш учун шароит туғилади.

Ўзбекистон Республикасининг ЖСТга кириши сиёсий масала бўлиб, ушбу жараён фойда ва хавф таҳлилига асосланади.

Кўшилишдан қутилаётган ижобий натижалар қуйидагилар ҳисобланади:

1. Гадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишнинг ягона механизми яратилади.

2. Миллий иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш учун рағбатлантиришни яратиш орқали соғлом рақобат муҳитини шакллантирилади.

3. Давлатимизда бизнесни ҳимоя қилиш учун янада самарали чораларни қўллаш қобилияти (масалан, антидемпинг процедуралари ва бошқалар) ошади.

4. Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиётига янада интеграциялашувига эришилади.

Қўшилишдан вужудга келиши мумкин бўлган салбий оқибатлар қуйидагилар ҳисобланади:

1. Маиший хизмат кўрсатиш соҳасининг рақобатбардош эмаслиги туфайли қисқариши.

2. Қўшилиш оқибатларининг аниқ ҳисоб-китоблари мавжуд эмаслиги сабабли Ўзбекистон иқтисодиётидаги вазиятнинг олдиндан айтиб бўлмаслиги.

3. Хорижий ишлаб чиқарувчилар томонидан миллий товар бозорларини ўзлаштирилиши.

4. Аъзо бўлиш жараённинг юқори ижтимоий харажатларни вужудга келтирилиши.

5. Қўшилишдан кейин Ўзбекистонда бизнесни ҳимоя қилиш чоралари самарадорлигининг пасайиши.

Ўзбекистон ЖСТга аъзо бўлиш доирасида ички товарлар бозорига чиқиш бўйича икки асосий тамойилга амал қилган ҳолда музокаралар олиб борилиши аҳамият касб этади.

Биринчи тамойил. Аъзо бўлинган пайдан бошлаб, Ўзбекистон ҳеч қандай модда бўйича жорий тарифнинг бож ставкаларини пасайтирмайди. Ўтиш даври тугагандан сўнг, Ўзбекистон томонидан қўлланиладиган импорт бождари ставкалари (мажбурийликнинг яқуний даражаси) бошланғич даражадан биров пастроқ бўлиши мумкин, аммо фақат иқтисодиётнинг ставкалари пасайтирилган ёки мавжуд бўлмаган тармоқларида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга сезиларли таъсир (Ўзбекистон Республикасида мавжуд бўлмаган ёки этарли миқдорда ишлаб чиқарилмаган) қилмайдиган тартибда амалга оширилади. Саноат хомашёси, ярим тайёр маҳсулотлар ёки давлатимиз томонидан хорижий товарларни (илғор технологик ускуналар) олишдан манфаатдор бўлган вазиятлар ҳам шулар жумласига киради.

Иккинчи тамойил. Ўзбекистоннинг ҳар қандай мажбурий бўлмаган тармоқ келишувига ёки ташаббусига қўшилиши имконияти.

ЖСТ келишувларида акс эттирилган мажбуриятларни бажарш мақсадида, ташқи савдо масалаларига таалуқли ташқи савдо сиёсати, ҳамда бир қатор меъёрий ҳужжатларга тегишли ўзгартиришлар киритишга тўғри келмоқда.

Давлатимизни ЖСТ га аъзо бўлишдаги яна бир муҳим омил бу хорижий хизматлар ва хизмат кўрсатувчи провайдерларнинг юртимиз бозорига кириш шартларини келишиш ҳисобланади. ЖСТга кўшилиш орқали Ўзбекистон Хизматлар савдоси бўйича Бош келишув (ГАЦ) доирасида ўз хизматлари бозорига киришнинг маълум даражасини кафолатлайдиган хизматлар бўйича аниқ мажбуриятлар рўйхати шаклида расмийлаштирилган мажбуриятларни олиши керак. ЖСТнинг барча аъзолари учун энг қулай давлат режими (ЭҚД) тамойилига мувофиқ (молиявий хизматлар (суғурта, банклар, қимматли қоғозлар), телекоммуникация ва ахборот технология хизматлари, транспорт хизматлари каби жабҳаларни келишиб олиш керак бўлади. Юқоридаги секторларда Ўзбекистоннинг музокаралар позицияси хорижий етказиб берувчиларнинг фаолиятига нисбатан энг кўп чекловларни ўз ичига олади.

Умуман олганда, Ўзбекистон мажбуриятлари рўйхати лойиҳасини ишлаб чиқишда қўлланиладиган ёндашувлар миллий хизматлар бозорида нормал рақобат муҳитини яратиш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва шу билан бирга, юртимизнинг хизмат кўрсатувчи жабҳаларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлиши жоиз. Буларга биринчи навбатда молиявий хизматлар (суғурта, банклар, қимматли қоғозлар), телекоммуникация ва ахборот технология хизматлари ҳамда транспорт хизматлари (айниқса ҳаво транспорти) киради. Айнан шу йўналишларда рақобатбардошлик масаласи ҳал қилинмаганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Бир сўз билан айтганда, Жаҳон савдо ташкилоти кўп томонлама савдо тизимининг ҳуқуқий ва институтлашган ўзагидир. У давлатнинг ички савдо қонунчилиги ва қоидаларини ривожлантириш ва амалга ошириш услубларини ҳукуматларга белгилаб, шартномавий мажбурият тамойилларини тақдим қилади. Шундай экан, ҳар бир давлат ушбу талабларни белгиланган талаблар асосида амалга ошириши ҳамда бу борада миллий манфаатлар устуворлигини сақлаб қолиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Адабиётлар

1. ЖСТ нинг “Савдони соддалаштириш тўғрисидаги” 2017 йилдаги Келишуви (СУПТ).
2. ЖСТ нинг “Интеллектуал мулк ҳуқуқлари тўғрисида” ги Келишув (ИМХТБ) (ТРИПС).
3. ЖСТ нинг “Божхона қийматини аниқлаш тўғрисида” ги Келишуви (ГААТ VII 1994).
4. ЖСТ нинг “Товарларни жўнатишдан олдин текшириш бўйича” Келишуви.
5. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 20 январдаги ЎРҚ-400-сонли «Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 2 июндаги Ўзбекистон Республикасининг жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш жараёнини жадаллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги №181-сон Қарори.

7. “Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларида чегара, божхона, санитария-карантин, фитосанитария ва ветеринария назоратини ташкил этиш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 ноябрдаги 912-сон қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Божхона йиғимлари ставкаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2020 йил 9 ноябрдаги 700-сон қарори.

9. www.wto.org.

10. www.wto.ru.

TIJORAT BANKLARIDA AUDITORLIK DALILLARI VA ULARNI OLISH USLIBIYOTINI TAKOMILLASHTIRISH

Isroilov Boburjon Qo'chqor o'g'li

O'zbekiston Respublikasi Bank moliya akademiyasi magistranti

Gmail: isroilovbobur@gmail.com

Annotatsiya. Ushbu maqola audit dalillarining mazmun – mohiyati va ularning olish uslublari, manbalari hamda tijorat banklarida qo'llaniladigan ichki va tashqi audit tomonidan olinadigan auditorlik dalillarining olish uslibiyoti hamda ularning olishning usullarini takomillashtirish haqida.

Kalit so'zlar: *auditorlik faoliyati, audit dalillari, audit xulosasi, molyaviy hisobotlar, ichki audit, audit protsedurasi*

Keywords: electricity supply, long-term forecasting, model, modeling, software, artificial intelligence, economic growth.

Annotatsiya. Ushbu maqolada aholini elektr energetikasi bilan ta'minlash istiqboldagi muammolar ko'lami va mazkur muammolarga innovatsion yondoshuvning ahamiyati tadqiq etilgan. Istiqbolda elektr ta'minotini prognoz parametrlarini ishlab chiqishda uzoq muddatli prognozashtirishga qo'yiladigan talablar murakkabligi, jarayonning yetarlicha noaniq tizimini vujudga keltiradi. Bu jarayonni samarali tadqiq etish esa modellashtirish jarayonlarida bugungi zamonaviy ilm-fan yutuqlaridan, xususan, zamonaviy modellashtirish apparatlarini tadbiq etishni hamda erishilgan natijalarni optimal sinash diapazonini izchil amalga oshirishni talab etadi. Tadqiqot muammosi va natijalari noaniqlik sharoitida uzoq muddatli prognozashtirishni muvaffaqiyatli amalga oshirishning zamonaviy apparatlaridan samarali foydalanish jihatlariga oydinlik kiritishga qaratilgan.

Kalit so'zlar: elektr ta'minoti, uzoq muddatli prognozashtirish, model, modellashtirish, dasturiy ta'minot, sun'iy intellekt, iqtisodiy o'sish.

Модельный подход к долгосрочному прогнозированию электроснабжения

Аннотация. В данной статье рассматривается масштаб проблем в перспективе обеспечения населения электроэнергией и важность инновационного подхода к этим проблемам. В дальнейшем сложность требований к долгосрочному прогнозированию при разработке прогнозных параметров электроснабжения создает достаточно неопределенную систему этого процесса. Эффективное исследование этого процесса требует применения современных научных достижений в процессах моделирования,

в частности, современного модельного оборудования, и последовательной реализации оптимального диапазона проверки полученных результатов. Проблема и результаты исследования направлены на выяснение аспектов эффективного использования современной техники для успешного осуществления долгосрочного прогнозирования в условиях неопределенности.

Ключевые слова: электроснабжение, долгосрочное прогнозирование, модель, моделирование, программное обеспечение, искусственный интеллект, экономический рост.

Introduction. In our rapidly evolving world, ensuring a stable and sustainable electricity supply is paramount. This section introduces the importance of long-term electricity supply forecasting in addressing the energy needs of the future. It highlights the role of accurate predictions in guiding community development and fostering a resilient energy landscape.

AI and ML have emerged as powerful tools in long-term forecasting. These technologies allow forecasting models to learn from historical data patterns and make predictions based on complex algorithms. By analyzing vast amounts of data, AI and ML modules can identify hidden trends, correlations, and anomalies that humans may overlook. They also offer the advantage of continuous learning, as the models can adapt and improve over time, leading to more accurate forecasts[1].

The availability of big data has significantly influenced long-term forecasting methodologies. By collecting and analyzing large volumes of structured and unstructured data from diverse sources, organizations can gain valuable insights into consumer behavior, market trends, and economic indicators. Predictive analytics modules utilize this data to generate forecasts that consider multiple variables and provide a comprehensive view of the future landscape[2]. This enables businesses to make informed decisions and develop robust strategies.

Scenario planning is a module that enables organizations to prepare for multiple future scenarios. Rather than relying on a single forecast, scenario planning involves developing various plausible scenarios based on different assumptions and uncertainties[2]. By considering a range of potential outcomes, organizations can assess the risks and opportunities associated with each scenario and develop contingency plans accordingly. This module allows businesses to be more adaptable and resilient in the face of uncertainty[3].

Collaborative forecasting modules leverage the collective intelligence of teams within an organization. By involving stakeholders from different departments, such as sales, marketing, and finance, organizations can gather diverse perspectives and expertise. This collaborative approach enhances the accuracy of long-term forecasts by incorporating insights from various domains and aligning the forecasts with organizational goals.

Policy and regulation play a crucial role in shaping the social, economic, and environmental landscape of a country or region. They provide a framework for governance, set standards, and establish guidelines for various sectors[3] and industries. However, policy and regulation are not static; they are subject to

constant change and evolution. In this article, we will explore the dynamics of policy and regulation, examining the factors that drive change, the challenges faced in implementation, and the impact of dynamic policies on businesses and society[4].

Factors Driving Change in Policy and Regulation

Technological Advancements: Technological advancements have a profound impact on policy and regulation. New technologies often outpace existing regulations, requiring policymakers to adapt and update regulations to address emerging challenges and opportunities. For example, the rise of autonomous vehicles has prompted policymakers to develop regulations regarding safety, liability, and data privacy[5].

Social and Cultural Shifts: Changes in societal values and cultural norms can influence policy and regulation. As public awareness and concern for issues such as climate change, social justice, and privacy rights increase, policymakers are under pressure to address these concerns through new policies and regulations. Social movements and public opinion often play a significant role in shaping policy agendas.

Economic Considerations: Economic factors, such as market trends, globalization, and industry competitiveness, can drive changes in policy and regulation. Governments may introduce new policies to attract investments, foster innovation, or protect domestic industries. Economic crises or shifts in global trade can also necessitate regulatory changes to ensure stability and address emerging challenges.

Challenges in Policy and Regulation Implementation

Political Interests and Lobbying: Policy and regulation implementation often face challenges due to conflicting political interests and lobbying efforts. Industries or interest groups may exert influence to shape policies in their favor or to delay or dilute their implementation. Balancing competing interests and ensuring transparency in decision-making processes is crucial for effective implementation[5].

Compliance and Enforcement: Policies and regulations are only effective if they are complied with and enforced. Lack of compliance and weak enforcement mechanisms can undermine the intended impact of policies. Governments need to invest in robust monitoring systems, enforcement agencies, and penalties to ensure compliance and deter non-compliance.

Complexity and Interconnectedness: Policies and regulations are often complex, with multiple interdependencies across sectors and jurisdictions. This complexity can create challenges in implementation, coordination, and enforcement. Collaboration between different government agencies, stakeholders, and international partners is essential to address these challenges effectively.

Impact of Dynamic Policies on Businesses and Society[5].

Business Adaptation: Dynamic policies and regulations require businesses to adapt and comply with new requirements. This can involve changes in operational processes, investments in new technologies, or adjustments to business models.

Adapting to dynamic policies can be both challenging and costly for businesses, but it also presents opportunities for innovation and market differentiation.

Consumer Protection and Public Welfare: Dynamic policies and regulations aim to protect consumer rights, ensure public safety, and promote public welfare. They provide a framework for fair competition, product quality standards, and environmental sustainability. Effective policies can enhance consumer trust, promote responsible business practices, and safeguard public interests[6].

Sustainable Development: Dynamic policies and regulations play a crucial role in promoting sustainable development. They address environmental challenges, encourage renewable energy adoption, and promote sustainable resource management. By setting targets and incentives, policies can drive businesses and society towards a more sustainable future[6].

Conclusion

A comprehensive program for long-term electricity supply forecasting is not just a technical exercise; it's a commitment to building a sustainable and resilient future. By embracing advanced methodologies, understanding the significance of accurate predictions, and considering the holistic development of communities, this program empowers societies to thrive amidst a rapidly evolving energy landscape. As we move forward, investing in such programs becomes imperative, ensuring that our communities are not just powered, but empowered, for generations to come.

References

1. Salman Ahmad Akhwanzada, Razman bin Mat Tahar "Long-term electricity forecasting: A system dynamics approach" Proceedings of 2012 International Conference on Environment, Energy and Biotechnology (ICEEB 2012) Malaysia, 5-6 May, 2012, pp. xxx-xxx
2. Moalem, S., Ahari, R.M.P., Shahgholian, G., Moazzami, M., Kazemi, S.M.: Electricity supply chain hybrid long-term demand forecasting approach based on deep learning—a case study of basic metals industry. *J. Eng.* 2023, 1–17 (2023). <https://doi.org/10.1049/tje2.12265>
3. Amusa, H., Amusa, K., and Mabugu, R., Aggregate demand for electricity in South Africa: An analysis using the bounds testing approach to cointegration, *Energy Policy*, vol. 37, no.10, pp. 4167-4175, 2009.
4. Rasuba, M., Khuluse, S. and Elphinstone, C. D., Forecasts for electricity demand in South Africa (2010-2035) using the CSIR sectoral regression model. Available: http://www.energy.gov.za/irp/irp%20files/CSIR_model_IRP%20forecasts%202010_final_v2.pdf, September 4, 2017.
5. Acemoglu, Daron. 2002. "Why Not a Political Case Theorem? Social Conflict, Commitment, and Politics." Department of Economics Working Paper Series. Massachusetts Institute of Technology Working Paper. Cambridge, Mass.: MIT, 2–44.
6. Elena Agibalova, Igor Ilovaysky, Yanina Kayl, Viktoria Usanova.: Consumer protection in the digital environment SHS Web of Conferences 109, 01002(2021) LISID-2020 <https://doi.org/10.1051/shsconf/202110901002>

7. Juraev , F. D. . (2021). Problems Of Informatization Of Management Of Agricultural Industry And Modeling Of Agronomic System In A Market Economy. The American Journal of Applied Sciences, 3(02), 49–54. <https://doi.org/10.37547/tajas/Volume03Issue02-04>
8. Жураев Ф. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг истикболдаги муаммолари ва уларни эконометрик моделлаштириш //Экономика и образование. – 2021. – №. 4. – С. 377-385. - https://inlibrary.uz/index.php/economy_education/article/view/7647
9. Ochilov, M. A., Juraev, F. D., Maxmatqulov, G. X., & Rahimov, A. M. (2020). Analysis of important factors in checking the optimality of an indeterminate adjuster in a closed system. Journal of Critical Review, 7(15), 1679-1684. –
10. Rakhimov, A. N., & Jo'rayev, F. D. (2022). A Systematic Approach To The Methodology Of Agricultural Development And The Strategy Of Econometric Modeling. resmilitaris, 12(4), 2164-2174. - <https://resmilitaris.net/menu-script/index.php/resmilitaris/article/view/2060>
11. Jo'rayev, F. D. Econometric modeling of the development and management of agricultural production based on cluster analysis (on the example of the 584 kashkadarya region). Экономика, (8), 584-590. DOI: 10.34925/eip.2021.133.8.112
12. Mukhitdinov, K. S., & Juraev, F. D. Methods of Macroeconomic Modeling. International Journal of Trend in Scientific Research and Development (IJTSRD), e-ISSN, 2456-6470.
13. Ф.Д.Жураев, Ж.Ш.Беккулов. Построение интеллектуальной системы. Научное знание современности. №6(18), Казань. -2018. 53-59 стр. - <https://www.elibrary.ru/item.asp?id=35251589>
14. Жўраев, Ф. Д., & Аралов, Ф. М. (2023). Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёни эконометрик моделлаштириш заруриятининг асосий жиҳатлари. Educational research in universal sciences, 2(2), 36-43. - <https://zenodo.org/record/7702123#.ZCF0VHZBxPY>
15. Маллаев, А. Р., & Жураев, Ф. Д. (2017). ОПЕРАЦИОННАЯ ТЕОРИЯ ИСЧИСЛЕНИЯ ПО ПРЕОБРАЗОВАНИЮ ЛАПЛАСА. Научное знание современности, (7), 5-16. - <https://www.elibrary.ru/item.asp?id=29810848>

**VETERINARIYA SANITARIYA EKSPERTIZASI
LABORATORIYALARIDA BOZOR HUDUDIDAGI ASAL SIFATINI
UNDAGI SUV MIQDORI BO'YICHA BAHOLASH**

S.Sh.G'aniyev

*Samarqand davlat veterinariya meditsinasi,
chorvachilik va biotexnologiyalar universitetining
Toshkent filiali talabasi*

M.F.Xo'jaxonova

*Samarqand davlat veterinariya meditsinasi,
chorvachilik va biotexnologiyalar universitetining
Toshkent filiali talabasi*

Sh.I.Xo'jaxonov

*Samarqand davlat veterinariya meditsinasi,
chorvachilik va biotexnologiyalar universitetining
Toshkent filiali mustaqil izlanuvchisi*

Annotatsiya. Ushbu maqola asal sifatini undagi suv miqdori bo'yicha o'rganishga bag'ishlangan. Turli joylardan sotib olingan bir necha asal namunalari refraktometriya usulida tahlil qilindi va ulardagi suv miqdori me'yoriy talablarga muvofiqligi to'g'risida xulosalar chiqarildi.

Абстрактный. Данная статья посвящена изучению качества меда по количеству воды в нем. Несколько образцов меда, купленного в разных местах, были проанализированы методом рефрактометрии и сделаны выводы о соответствии содержания в них воды нормативным требованиям.

Abstract. This article is devoted to the study of the quality of honey according to the amount of water in it. Several samples of honey bought from different places were analyzed by refractometry method and conclusions were made about the compliance of the water content in them with the standard requirements.

Kalit so'zlar: asal sifatini baholash, refraktometriya, sindirish ko'rsatkichi, asal, refraksiya indeksi, asal tarkibidagi suv.

Ключевые слова: оценка качества меда, рефрактометрия, показатель преломления, мед, показатель преломления, вода в меде.

Key words: evaluation of honey quality, refractometry, refractive index, honey, refractive index, water in honey.

Mavzuning dolzarbligi. Asal ko'plab mamlakatlarda mashhur oziq-ovqat mahsulotidir. Asalning ta'mi, rangi va kimyoviy tarkibi bilan ajralib turadigan juda ko'p navlari mavjud. Tabiiy asalda turli xil makro va mikroelementlar mavjud. Ularning tarkibi inson qoni minerallariga juda yaqin, shuning uchun asal organizm tomonidan oson so'riladi. Asalning mineral tarkibi uning geografik va botanik kelib chiqishini ko'rsatadi. Tabiiy asalda oz miqdorda turli xil mikro va

makroelementlar mavjud. Ko'pgina komponentlardan tashqari, asalda suv ham mavjud. Asaldagi suv miqdori 20 % dan oshmasligi kerak. Bu asal sifatli bo'lib, sifatini yo'qotmagan holda uzoq vaqt saqlanishi mumkin. Agar asalda 20 % dan ortiq suv bo'lsa, bunday mahsulot uzoq muddatli saqlash uchun yaroqsiz. U ko'pikli massaga aylanishi yoki tezda qotib (kristallanishi) "fermentlanishi" mumkin. Yuqori shakar miqdori tufayli asal gigroskopikdir, u havodan namlikni yaxshi qabul qiladi. Agar siz asalni nisbiy namligi yuqori bo'lgan xonada germetik yopilmagan idishda saqlasangiz, fermentatsiya jarayoni boshlanadi. Asalning namligi ko'plab parametrlarga bog'liq - asal yig'ish mavsumidagi iqlim sharoitiga, shakar nisbatiga (fruktoza qancha ko'p bo'lsa, namlik shunchalik yuqori bo'ladi) va saqlash sharoitlariga. Shuning uchun asaldagi suvning massa ulushini aniqlash uning sifatini tahlil qilishning asosiy bosqichlaridan biri. Asalni tarkibida suvning ko'p bo'lishi unga shakar eritmasi quyilganligidan dalolat beradi. Bunday asalni sotishga ruxsat etilmaydi, chunki ularda tezda bijg'ish jarayoni boshlanadi. Asal tarkibidagi suvni belgilangan ko'rsatkichdan yuqori bo'lishi asal tarkibida doimiy ravishda qisman bo'ladigan achitqi hujayralarining o'sishiga qulaylik yaratadi. Bijg'ish natijasida butun asal yuzasidan havo pufakchalari ajralib chiqadi, bunda esa o'ziga xos maxsus hid chiqaradi. Asalda bijg'ish jarayoni boshlangan bo'lsa sotishga chiqarilmaydi.

Tadqiqot maqsadi va vazifalari. Ushbu ishning maqsadi bozor, yarmarka va supermarketlardan sotib olingan asal namunalarining suv tarkibini tahlil qilish orqali sifatini baholash.

Ishning borishi. Asal tarkibidagi suvni refraktometr yordamida aniqlash. Tahlil qilish uchun bozor, supermarketlardan 5 ta asal namunasi tanlab olindi va 1 dan 5 gacha raqamlandi. Shuni ta'kidlash kerakki, 2-asal namunasi, shuningdek 1 va 3 asal namunalari uzoq va ehtimol noto'g'ri saqlash tufayli kristallanish belgilariga ega edi. Asal namunalarida suvning massa ulushini eksperimental aniqlash refraktometriya yordamida amalga oshirildi. Bu usul refraksiyaning o'zgarishiga asoslangan bo'lib, ya'ni yorug'lik nurlari asal tarkibidagi quruq moddaga va suv miqdoriga qarab ma'lum darajada sinish va qaytish xususiyatiga ega. Asalning quruq moddasi qancha ko'p bo'lsa, uning refraksiya indeksi shuncha yuqori bo'ladi. Asalning namligi 21 foiz bo'lganda refraksiya ko'rsatkichi 1:480 dan past bo'lmaydi. Tekshirilayotgan asaldan shisha tayoqcha bilan refraktometrning pastki prizmasiga tomiziladi, so'ngra prizmalar bir-biriga tegiziladi. Vint yordamida yorug' va qorong'i zonalarning chegarasi bir-biriga qo'shiladi. Shkala yordamida asbobning ko'rsatkichi belgilanadi. Aniqlash uch marta qaytarilgandan keyin o'rtacha arifmetik qiymat hisoblanadi. Kristallangan asal namunalari (2-3-5 asal namunalari) o'lchashdan oldin kristallanish mavjud edi. Shu maqsadda, 10sm^3 hajmli asal namunasi suv hammomida 40°C haroratgacha 25 daqiqa davomida kristallar to'liq eriguncha isitildi, shundan so'ng stakan xona haroratiga qadar sovutildi. Shisha devorlarining ichki yuzasida kondensatsiyalangan suv asal bilan yaxshilab aralashtirildi. Shuni ta'kidlash kerakki, 5-raqamli asal namunasini dekrizalizatsiya qilishda 15 daqiqa qizdirilgandan so'ng namunadan ko'p miqdorda suv chiqib ketdi. 4-asal namunasi

to'g'ridan-to'g'ri dekrizalizatsiya qilinmasdan tahlil qilindi. O'lchovlar uchun asal namunasi olindi va refraktometr prizmasiga joylashtirildi. Har bir o'lchov 20°C haroratda amalga oshirildi. Asaldagi suv miqdori asaldagi suvning massa ulushining berilgan sinishi ko'rsatkichiga bog'liqligi jadvaliga muvofiq aniqlandi.

Asal namunasining tartib raqami	Dekrizalizatsiya qilinishdan oldingi natijalar		Dekrizalizatsiyadan keyingi natijalar	
	20 ⁰ C da refraksiya indeksi	Suv miqdori	20 ⁰ C da refraksiya indeksi	Suv miqdori
1-asal namunasi	1,5027	13,6	1,5025	13,8
2-asal namunasi	1,4944	16,9	1,4711	>25,0
3-asal namunasi	1,4926	17,6	1,4909	18,2
4-asal namunasi	1,4938	17,0	----	----
5-asal namunasi	1,4918	17,9	1,4225	>25,0

Tahlil natijalari shuni ko'rsatdiki, 2-asal va 5-asal namunalarida kristallanishdan keyin ko'p miqdorda suv ajralib chiqdi (uning asaldagi massa ulushi 25% dan oshadi). Buning sababi asalning past sifati yoki noto'g'ri saqlash bo'lishi mumkin. Suv miqdori yuqori bo'lganligi sababli, bu asal namunalarini iste'mol qilish tavsiya etilmaydi. 1 chi hamda kristallanish belgilariga ega bo'lmagan 4-raqamli asal normal chegaralarda. Ushbu namunalar yetarlicha yangi va yeyish mumkin. 1-raqamli asaldagi suv miqdori shakarlangan bo'lsa-da, normal chegarada. Ehtimol, bu asal namunasining kristallanish jarayoni noto'g'ri saqlash tufayli sodir bo'lgan.

Xulosa. Asalning suv tarkibini refraktometrik tahlil qilish ushbu mahsulot sifatini baholashning tez va ishonchli usuli hisoblanadi. Bu usul bizga turli joylardan sotib olingan asal namunalaridagi suvning massa ulushini aniqlash imkonini berdi. Olingan natijalar o'rganilayotgan namunalarning ayrim ko'rinish holatlari bilan bog'liq deb topildi. Kristallangan asal namunalarida yuqori (ba'zi hollarda haddan tashqari) suv miqdori mavjudligi aniqlandi, bu esa ushbu mahsulotlarning sifatsizligi yoki noto'g'ri saqlash usullarini ko'rsatishi mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. R.Normahmatov, Oziq-ovqat tovarlari sifat ekspertizasi. Darslik. 2008y
2. S.M.Murodov, Chorvachilik va o'simlik mahsulotlarining vetsanekspertizasi texnologiya asoslari. Qo'llanma. Samarqand 1992y.
3. S.M.Murodov, Qishloq xo'jalik mahsulotlarining vetsanekspertizasi, qayta ishlash texnologiya asoslari va standartizatsiyasi. Qo'llanma. Samarqand 1997y
4. S.M.Murodov, Veterinariya-sanitariya ekspertizasi. Darslik. Samarqand 2006y
5. 5.Kravchenko A. va boshqalar, "Сравнительное исследование качественного состава меда //Аналитика. – 2015."
6. Qo'shimcha adabiyotlar

AMALIY BEZAK SAN'ATI ORQALI OT – KUTYUR YARATISH VA ESTITIK DUNYOQARASHNI SHAKILLANTIRISH.

*Amonova Zarifa Usmonovna,
Nematova Tursintosh Alisher qizi
Navoiy davlat pedagogika instituti*

Annotatsiya. Ushbu maqolada amaliy bezak san'ati orqali “ot – kutyur” yaratish va estetik dunyoqarashni shakillantirish, Nurota umrboqiy kashtachilik haqida ma'lumotlar yoritib berilgan.

Abstract. In this article, the creation of "horse - couture" through practical decorative art and the formation of an aesthetic worldview, information about Nurota's lifelong embroidery is highlighted.

Kalit soʻzlar: San'at, xalq, ot – kutyur, mato, bezak, O'zbekiston, Nurota, qo'li gul, mehnatsevarlik, kashta.

Key words: Art, people, horse - couture, fabric, decoration, Uzbekistan, Nurota, handmade flower, hard work, embroidery.

O'zbek xalqi amaliy san'ati tarixi bilan uzviy bogliq bo'lib, u moddiy-madaniy yodgorliklar ichida xalqlarning milliy uziga xosligini aks ettirib, etnik belgilari bilan ajralib turadi. Kiyimlarda biron-bir elat tarixiga borib taqaladigan an'analar, ijtimoiy munosabatlar, ma'rifiy, din va estetik shakllarning ayrim unsurlari ifodalanadi.

O'zbek hunarmandchiligi boy tarixga ega. Milliy xalq hunarmandchiligi igna bilan quduq qazigan bilan barovardir. Navoiy viloyatida ham hunarmandchilikning juda ko'plab turlari rivojlangan. Tarixi uzoq yillarga borib taqaladigan, afsonaviy va sirli Nurotada ham xalq hunarmandchiligi qadimdan rivojlangan. Aholi hunarmandchilikning 30 dan ortiq turlari ya'ni sangtaroshlik, kashtachilik, kulolchilik bilan shug'ullanishadi.

Shundan kashtachilikni oladigan bo'lsak “ot – kutyur” darajasida desak bo'ladi. Umrboqiy kashtachilik bilan shug'ullanadigan hunarli insonlar hech qachon xor bo'lmaydi. Har bir kashtada nafosat olami aks etgan, nafislik, fusunkorlik va jimjimadorlik hamda did bilan yaratilgan kashtalar bigizda tikilib, ba'zida ularni yaratishga 6-7 oylab vaqt ketadi. Ayniqsa, tobadoni, kosagul, panjigul kabi 50 dan ortiq nusxalarda tovus, bodom, qalampir nusxa va lola naqshlaridan keng foydalaniladi. Kashta uchun maxsus matolar Namangandan olib kelinadi. Kashtalar tabiiy buyoqlar ishlatilgan ipak iplarda tikiladi. Rang olish uchun daraxt va o'simliklardan foydalaniladi.

Yong'oq bargi qaynatilib, jigarrang olinsa, o'smadan yashil rang, piyoz po'stlog'idan sarg'ish rang olish mumkin. Shuningdek, [shaftoli](#), gilos, behi, anor bargidan ham foydalanish mumkin. Shuning uchun ham nurotalik qo'li gul farishta onaxonlar tomonidan tayyorlangan kashtalar bo'yalmaydi, yarim asrgacha ularning rangi o'chib ketmaydi. Nurotadagi har bir oilada albatta kashta bor, chunki qizlar turmushga chiqish oldidan albatta seplari uchun ham so'zanalar tikishadi. Qo'l

mehnati bilan yaratilgan san'at asari darajasidagi nurota kashtalarining narxi jahon bozorida ancha baland.

Ular yaratgan kashtalar allaqachon xorij bozorlarini ham zabt etgan, desak mubolag'a bo'lmaydi. Azaldan rivoyat bor, so'zanasi bor uylar har qanday xavf-xatardan xoli ekan. Chunki bodom, anor, qalampir nusxalari aks etgan kashtalar shu xonadonlarni tumori sifatida qadrlanar, asralar ekan. Bu ijod yo'nalishida ranglar uyg'unligi va tasvir mohiyati birinchi galda turadi. Iplarimizning rangi tabiiy bo'lganligi sababli hech bir bo'rttirishga yo'l yo'qdir. Tabiiy rangli iplar tarixiy davrni ochishda qo'l keladi.

Matoda minatura ishlash juda aniqlikni talab etadi lekin kishiga zavq beradi. Har holda ijoddagi bu yo'nalish yangilik sifatida ko'pchilik tomonidan katta qiziqishga sabab bo'ladi. Men milliy hunarmandchiligimizning kashtachilik yo'nalishida fidoi bo'lgan onaxonlardan ko'p eshitaman momomeros qadryatlarimizni davom ettirish avvalgi zamonlarda barcha o'zbek ayollariga nasib etmagan ekan. Kashta tikish juda injiq va murakkab ish bo'lib, kata sabir – toqat talab etadi.

“*Haute Couture*” (farangcha talaffuzda “ot – kutyur” – yuqori darajadagi tikish, yoki yuqori san'at darajasidagi tikish ma'nosida) – hozirgi vaqtda “yuqori moda” ma'nosida ishlatilib, eng yuqori sinf darajasidagi kiyimlarni yaratish tushuniladi. Bunday sinfga yoki turkumga kiruvchi kiyimlar yagona nusxada bajariladi, bularga asosan qo'l mehnati ishlatiladi. Nafaqat kiyim tikilish jarayoni, balki mato yoki material olish jarayoni, bezak turlari va boshqalar yagona, takrorlanmas bo'ladi. Bu darajadagi kiyimdan nusxa ko'chirish mumkin, albatta, ammo bu ancha-muncha vaqt va mablag' talab etadi. Nurota qul-bigiz tikish kashtalarini yuksak san'at darajasidagi tikish, mehnat, san'at asari desak bo'ladi. Ko'ngli toza, mehnat sevar Nurota xalqi, qanchalik darajada san'at asari yaratayotganini va shu orqali chet ellarda o'z asarlarni O'zbekistonni mashhur qilayotganini hamma bilishi kerak. Oddiy bir Nurota ayoli, qizlari o'z uyida turib hunari orqali O'zbekistonni tanitishga harakat qilmoqdalar, buni hammamiz bilishimiz va qadirlashimiz kerak. Hozirgi yoshlardaham bu mehnatsevarlik, san'atni qadirlash hissini kuchaytirishimiz lozim va estetik dunyoqarashni shakillantirish zarurdir.

Foydalangan adabiyotlar

1. Узбек миллий кийимлари. XIX —XX асрлар / Т.: Содикова Нафиса. «Шарк», 2003. — 160 б.
2. Amaliy bezak san'ati tarixi. D. Alimkulova, o'quv qo'llanma. 2007.
3. Bobonazarov S. U. Tasvirlarni grizayl texnikasida ishlashning o'ziga xosligi // Innovative Development in Educational Activities. – 2022. – Т. 1. – №. 6. – С. 114-118.
4. Шавдиоров, С. А. (2017). Подготовка будущих учителей к исследовательской деятельности. Педагогическое образование и наука, (2), 109-110.

5. Саъдиев С. Т., Очилов З. С. ФАКТОРЫ, ВЛИЯЮЩИЕ НА КАЧЕСТВО МУЗЫКАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ //XLIII INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL CONFERENCE" INTERNATIONAL SCIENTIFIC REVIEW OF THE PROBLEMS AND PROSPECTS OF MODERN SCIENCE AND EDUCATION". – 2018. – С. 110-111.
6. Niyazovish G. I. WAYS OF USE OF MODERN INNOVATIVE TECHNOLOGIES IN FINE ARTS CLASSES AND THROUGH THE IMPROVEMENT OF IDEAS OF NATIONAL INDEPENDENCE TO STUDENTS //Galaxy International Interdisciplinary Research Journal. – 2021. – Т. 9. – №. 12. – С. 234-237.
7. Choriyeovich J. S. TASVIRIY SANATDA RANG VA YORUGLIKLARNING ORNI //Science and innovation. – 2022. – Т. 1. – №. С2. – С. 113-116.
8. Абдуллаев А. Х. ЎЗБЕКИСТОНДА ЧИЗМАЧИЛИК ВА ЧИЗМА ГЕОМЕТРИЯ ФАНИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ //ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ. – 2022. – Т. 5. – №. 3.
9. Аслонов Ф. Б. Тасвирий санъат дарсларида ўқувчиларнинг ижодий фаоллигини оширишнинг педогогик-психологик хусусиятлари //Муғаллим ҳем узликсиз билимлендириў Илимий-методикалык журнал. – 2021. – №. 5.
10. Usmonovna, A. Z. (2023). THE USE OF CLASSIC STYLES IN MODERN FASHION. *Science and innovation*, 2(A4), 263-264.
11. Amonova Z. U., Vosiyeva A. T. MODELIER DIZAYNERLAR CHIZADIGAN INSON QOMATIDA LIBOSLARGA RANGNING BOSQICHMA-BOSQICH BERILISHI USULLARI //Journal of Integrated Education and Research. – 2022. – Т. 1. – №. 6. – С. 178-182.
12. Xamidova G. X. MUHANDISLIK GRAFIKASI VA CHIZMA GEOMETRIYA FANLARIDAGI ONA TILI QOIDALARIGA XILOF, NOTO 'G 'RI VA NOANIQ BAYON QILINAYOTGAN TERMINLAR VA ULARNING OLDINI OLISH //Journal of Integrated Education and Research. – 2022. – Т. 1. – №. 6. – С. 203-207.
13. Xamidova G. X. CHIZMACHILIK FANINI O'QITISH METODIKASINI TAKOMILLASHTIRISH: Gulmira Xamidovna Xamidova, Navoiy davlat pedagogika instituti San'atshunoslik fakul'teti, Tasviriy sanat va muhandislik grafikasi kafedrasi oqituvchi //Научно-практическая конференция. – 2022.
14. Vosiyeva A. USE OF TRANSFORMATION IN THE DIRECTION OF DESIGN AND ITS IMPORTANCE //Science and innovation. – 2023. – Т. 2. – №. A4. – С. 31-33.

DASTURLARDAN FOYDALANISHNING AHAMIYATI VA ZARURATI.

Xamidova Gulmira Xamidovna
xamidovagulmira9@gmail.com

Rajabova Durdona
Navoiy davlat pedagogika instituti 3-D guruh talabasi

Annotatsiya. Maqolada Chizmachilik fanini o'zlashtirishda Muhandislik kompyuter grafikasi fanining ahamiyati va duch kelinadigan muammo va kamchiliklarga osonlik bilan baham berish mumkinligi haqida qisqacha takliflar keltirilgan.

Kalit so'zlar: chizma, kesma, chizmachilik, AutoCAD, vatar, faska, o'lcham qo'yish.

Abstract. The article gives brief suggestions about the importance of engineering computer graphics in mastering the science of drawing and the problems and shortcomings that can be easily shared.

Key words: drawing, section, drawing, AutoCAD, vatar, faska, dimensioning.

Аннотация. В статье даются краткие предположения о значении инженерной компьютерной графики в освоении рисования, а также о проблемах и недостатках, которые можно легко разделить.

Ключевые слова: чертеж, сечение, чертеж, AutoCAD, ватар, фаска, простановка размеров.

Muhandislik kompyuter grafikasi darslarida berilgan grafik chizmalarni bajarish o'quvchilarda katta qiziqish uyg'otish bilan birga grafik dasturlarda ishlash ko'nikmalarini shakllantirish uchun xizmat qiladi va o'zlashtirishni faollashtiradi.

Darhaqiqat, butun dunyo miqiyosida IT sohasi rivoj topgan bo'lib, loyihalash, grafik modellash, chizmalarni bajarish bo'yicha bir qator dasturlar aynan amaliy san'at, rassomchilik, dizayn, muhandislik kabi sohalarning mehnatini yengillashtirish uchun ishlab chiqilgan va foydalanib kelinmoqda. O'zbek xalq amaliy san'atini misol qilib oladigan bo'lsak (naqqoshlik, yog'och o'ymakorligi va boshqalar) uning asosi-kompozitsiyasini chizish uchun zarur bo'ladigan o'simliksimon (islmiy) naqsh kompozitsiyalari uchun Corell DRAW hamda geometrik (girihi) naqsh kompozitsiyalarini chizish uchun ko'proq mos bo'lgan Auto CAD (Auto Computer-Aided Design – kompyuter yordamida avtomatik loyihalash tizimi)⁸ kabi dasturlar mavjud. Bugungi kunda dekorativ-amaliy san'at fanlari blokining dasturiga zamonaviy kompyuter dasturlari (Photoshop, 3D Max) foydalanishga kiritilgan bo'lib, unda tayyor kompozitsiya yoki buyum rasmini skaner yordamida kompyuter xotirasiga joylab, dizaynini o'zgartirish uchun qo'llaniladi. Lekin bunda kompozitsiya chizish jarayoni an'anaviy qo'l mehnati

⁸ <https://n.ziyouz.com>

asosida qog'oz, qalam, chizg'ich va sirkul yordamida amalga oshiriladi. Auto CAD hamda Corell DRAW grafik dasturlarida ish bajarishning afzal tomoni shundan iboratki, grafik dasturlarida ishlash ortiqcha harajat talab etmasligi, ya'ni, qog'oz, chizmachilik asboblari va boshqa buyumlar ishlatilmaydi. Agar chizmada noto'g'ri bajarilgan bo'lsa, qayta yana chizish emas, uni tahrir qilish yoki o'chirib qayta sihlash imkonini beradi. Grafik dastur panellari buyruqlarining barchasi avtomatlashtirilganligi hamda chizmalarning yuqori aniqlikda bajarilish imkonini berishidir. Corell DRAW hamda Auto CAD dasturlaridan foydalanib o'tilayotgan chizmachilik darslari o'quvchilarda kompyuter dasturlarida ishlash imkonini berib, talabalarda qiziqish bilan yondashayotgani va dars samaradorligiga ijobiy ta'sir o'tkazayotganini ko'rishimiz mumkin. Bu dasturlardan naqqoshlik, amaliy san'at darslarida kompozitsiya tuzish jarayonlarida foydalanish maqsadga muvofiq bo'lar edi. Bu kabi zamonaviy yondoshuv huddi chizmachilik kabi amaliy san'at sohasida ham amaliy mehnatni kamaytirish va samaradorlikni oshishiga olib kelishi tabiiydir.


O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoyevning 2019-yil 19-martda o'tkazilgan "Yoshlar bilan ishlashni samarali tashkil etishda madaniyat, san'at, sport, axborot texnologiyalari, kitob o'qishga qiziqishini oshirish bo'yicha 5ta muhim tashabbusni amalga oshirish to'g'risida"⁹gi vedioselektor yig'ilishida yoshlar qobiliyatlarini rivojlantirishga qaratilgan masalalar muhokama qilindi va sohalarga taaluqli 5 ta muhim tashabbus ilgari surildi. Bularning birinchisi yoshlarning musiqa, rassomlik, adabiyot, teatr va san'atning boshqa turlariga bo'lgan qiziqishini oshirish bo'yicha bo'lib, bu borada bir qator ishlar olib borilmoqda.

Siz bilan AutoCAD dasturining qisqacha imkoniyatlarini ko'rib chiqamiz.

Chiziqni uzaytirish buyrug'i va undan foydalanish.

Ushbu buyruq yuqori aniqlikdagi grafiklarni yaratish uchun ishlatiladi. Masalan, berilgan aylananing AV va SD vatarlarning E kesishuv nuqtasini topish masalasini beraylik. Bu nuqta uzaytirish buyrug'i yordamida topiladi:


1. Bu vatarlarni kesib o'tuvchi ixtiyoriy to'g'ri chiziq qidirilayotgan nuqtadan uzoqqa tortiladi.

2. Buyruq tugmasi  "Sichqon" bilan yuklanadi va "Enter" bilan tasdiqlanadi. Keyin, ekrandagi barcha to'g'ri chiziqlarni uzaytirish holati qayd etiladi.

3. Keyin ekranda kvadrat nishon paydo bo'ladi va agar u AV vektorni V oxiriga yetkazish orqali "Sichqon" ning chap tugmasi bilan yuklansa, u V ning uchidan AV kesma ixtiyoriy to'g'ri chiziqqacha cho'ziladi. Bu jarayonni SD to'g'ri chiziq uchun takrorlab, AV va SD to'g'ri chiziqlarning E kesishish nuqtasi aniqlanadi.¹⁰, 1-rasm.

⁹ Mirziyoyev.Sh.M. Yoshlar bilan ishlashni samarali tashkil etishda madaniyat, san'at, sport, axborot texnologiyalari, kitob o'qishga qiziqishini oshirish bo'yicha 5ta muhim tashabbusni amalga oshirish to'g'risida vedioselektor. 2019 yil 19 mart


¹⁰ <http://reja.tdpu.uz>





1-rasm

Kesmada nuqta bilan uzish va undan foydalanish.

Kesmalarni bazida ikkiga ajratish holatlari bo'ladi. Bu holatlarda biz "Break at point" buyrug'idan foydalanamiz:

1. Buyruq  tugmasi «Sichqon» bilan yuklanadi yoki "BR" harflari terib "Enter" bilan tasdiqlanadi. Shunda muloqotlar oynasida obyekt ko'rsating so'rovi paydo bo'ladi. Shunda, kvadrat nishoncha bilan kesma ko'rsatiladi.




2-rasm

2. So'ngida muloqotlar oynasida birinchi nuqta va keying uzish nuqtalari so'rovi hosil bo'ladi, bunga javoban birinchi kesmani bir uchi va kesmaning uzilish nuqtalari ketma – ket belgilanadi. 2-rasmda kesma 50 mm lik kesma berilgan 30 mmdan keyin nuqta bilan ajratilgan. Bu kesmani ustida amallar bajarish mumkin.


Kesmani ikki nuqtada uzish buyrug'i va undan foydalanish.

Bunday kesmalaradan bino planini chizganda eshik va oyna o'rinlarini ajratish uchun ishlatiladi va bu buyruqdan quyidagi ketma – ketlikda bajaramiz:

1. "Break" buyruq  tugmasi «Sichqon» bilan yuklanadi yoki "BR" harflarini terib "Enter" bilan tasdiqlanadi. Shunda, muloqotlar oynasida obyekt ko'rsatish so'raladi. Unga javoban to'g'ri chiziq sichqonch kursori yordamida ko'rsatiladi. Shunda kursor bilan ko'rsatilgan nuqtani kompyuter uzilish nuqtasining birinchi nuqtasi deb qabul qiladi.


2. Navbatta, muloqotlar oynasida uzilish nuqtasining keying nuqtasini ko'rsating so'rovi paydo bo'ladi. Unga javoba o'lcham bilan yoki kursor bilan ihtiyoriy tarzda ko'rsatish mumkin bo'ladi. Shunda, to'g'ri chiziq bu nuqtalar


oralig'ida uzilib, ikki bo'lakka ajralib qoladi. Tasvirda birinchi nuqta belgilangan va nuqtadan 200 mm lik masofada ikkinchi nuqta tanlangan.




“Fillit” chizmada faska ochish buyrug'i va undan foydalanish.

Faska ochish mashinasozlik chizmachiligida ko'p uchraydi va uning radiusli burchakli va egri chiziqli turlaridan foydalanish mumkin:



1. “Chamfer” buyruq  tugmasi «Sichqon» yordamida yuklanadi yoki “CHA” tugmalarini terib “Enter” bilan tasdiqlash orqali yuklanadi. Shunda muloqotlar oynasida faskaning birinchi tomonini ko'rsatish so'raladi yoki



buyruqlari taklif qilinadi. Bulardan ko'p foydalaniladigan buyruqlar:

«Polyline» “P” harfi teriladi va ko'pburchakning barcha burchaklariga faska ochiladi.

«Distance» - “D” harfi terilganda faska tomonlari o'lchamlarini kiritish imkonini beradi.

«Trim»- “T” harfi teriladi va faska ochilgandan keying qismi kesilishi yoki olib qolish taklifini beradi.


Birinchi navbatda faska ochilishi kerak bo'lgan tomon kursordagi kvadrat nishoncha bilan ko'rsatilib tanlanadi.

2. Shunda, muloqotlar oynasida faskaning ikkinchi tomonini ko'rsatish so'raladi. Bunga javoban ikkinchi tomoni ham ko'rsatilgandan so'ng faska kesib olinadi, 3-rasm, chap tomonidagi chizma.

Agar, faskani qiymatini kiritish kerak bo'lganda, «Distance» so'zini D harfi kiritiladi. Shunda, muloqotlar oynasidagi birinchi va ikkinchi tomon o'lchamlari ketma – ket kiritiladi va faska shu o'lchamlarda ochiladi.

Agar, faska ko'purchakning hamma burchaklarda birdaniga ochilishi zarur bo'lsa, qo'shimcha «Polyline» “P” harfi yuklanib quyidagi ketma - ketlikdabajariladi:

1. «Chamfer» buyrug'i yuklanadi yoki “Ch” harfi terilib “Enter” bilan tasdiqlanadi. Muloqotlar qatoridagi so'rovga «Polyline» harfi terib kiritiladi va «Enter» bilan qayd etiladi;




3-rasm

Ishchi oynada chizilgan ko'pburchakning bir tomoni kursor yordamda ko'rsatiladi va bu ko'pburchak burchaklarida faskalar ochiladi.

Bundan tashqari radius orqali “Fillit” buyrug'i bilan burchaklarni yumaloqlash ham mumkin. Bunda “F” harfi terilib “Enter” bilan tasdiqlanadi va muloqotlar oynasi da chiqqan so'rovga javoban birinchi tomon va radius kiritiladi.

“Explode” – ajratish ya'ni bo'laklarga bo'lish buyrug'i va undan foydalanish.


Kompyuter yordamida chizilgan chiziqlar va chiziqlar to'plami alohida yoki bir – biri bilan bog'langan holatda chiziladimi yo'qmi bu umumiy bir detal chiziqlari hisoblanadi. Masalan ko'pburchaklar, polyline buyrug'ida chizilgan chiziqlar, o'lcham chiziqlari ya'ni chiqarish va o'lcham qo'yish chiziqlari bog'langan holda tasvirlanadi. Bu chiziqlar ustida yana amallar bajarish yoki ularni ba'zilarini o'chirish kerak bo'lganda “Explode” ajratish buyrug'idan foydalanish kerak bo'ladi.



1. Bo'laklarga bo'lish "Explode" «Расчленил» buyrug'ining tugmasi yuklanadi;

2. Shunda, ishchi oynada hosil bo'lgan kvadrat nishoncha bilan obyekt ajratiladi va «Enter» bilan qayd etiladi. Natijada obyekt alohida - alohida qismlarga ajralib qoladi.

Masalan, Chizmalarda o'lchamlarni kamaytirish va ularni ko'rinishlarda teng taqsimlashda ishlatiladi. Chizmada berilgan vtulkaning qirqimi ichki teshigining diametr o'lchamini ko'rsatishda o'lchamning chiqarish chizig'ini bir tomoni va strelkasi o'chiriladi, 4-rasm.



4-rasm

Kabi amallar bilan chizmachilikdagi o'lcham qo'yish qoidalari, chizma geometriyadagi muammolar va ular ustida ishlash, amallar bajarish kabi imkoniyatlarni kengaytirish mumkin.

Talaba yoshlarni ongida milliy qadriyatlarni shakllantirishdagi olib borilayotgan ilmiy-ommaviy ishlari, ko'rgazmali tadbirlarini o'rganishdan iboratdir.

Hozirgi kunda, barcha rivojlangan mamlakatlarda fan va texnika, ishlab chiqarish vositalari hamda har bir texnika-texnologiyani yaratish jarayonlarida deyarli to'liq kompyuterlashtirilgan. Bundan tashqari, dunyoning barcha texnoyogiyaga tayangan ishlab chiqarish korxonalarida hamda hozirgi ta'lim tizimida, yangi texnika va texnologiyalarni joriy etishda loyihalash inkonyatini beruvchi juda katta qulayliklarga ega bo'lgan grafik dasturlar asosida kompyuterdan foydalanib kelinadi.

Maqolada muhandislik kompyuter grafikasida ishlashning afzalliklari va qulayliklari muhokama qilinadi. Muhandislik kompyuter grafikasida asosan chizma chizishda sxemalar, mashinasozlik chizmalari, chizmalarga o'lcham qo'yish, grafik ishlarni bajarishda duch kelinadigan ayrim muammolarni o'z ichiga oladi. Bu grafik dasturlar muhandislar va texnik olimlar, texnik avlodning yaratayotgan ilmiy yangiliklari uchun qulay imkoniyat beradi. Bunday tasvirlash vositalaridan foydalanadigan muhandislar bir-biriga va mijozlarga qurilish va

muhandislik texnologiyalarini tushuntira oladilar. Chunki, texnika tili butun dunyo uchun tushunarli til.

Muhandislik kompyuter grafikasida ishlash uchun qo'l chiziqlari o'rmini kompyuter chiziqlari orqali aniq o'lchamlar bilan chizish imkoni bilan birga chizmalarning yaqqol tasviri va ularni hohlagan tomondan ko'ra olish tasavvurini shakllantirish kabi imkoniyatlarni bera oladi.

Shuningdek, maqola muhandislarga muhandislik loyihalarini yaratish va ulardan foydalanish jarayonlarining qulayligi, mehnat sarfini kamaytirish kabi qulayliklarini ko'rsatib beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. T.Rixsiboyev., Kompyuter grafikasi. Toshkent, «Tafakkur qanoti», 2006.
2. A. To'xtayev, Mashinasozlik chizmachiligi, T., O'zbekiston, 2010.
3. A.Valiyev. Chizmachilik (Geometrik chizmachilik), T.: TDPU , 2020.
4. Xamidova G.X. Asian Journal of Multidimensional Research (A Double Blind Refereed & Peer Reviewed International Journal) DOI: 10.5958/2278-4853.2021.00077.X (Khamidovna, February, 2021)
5. Khamidovna, K. G. (2021). Use of computer technologies in the study of architectural decoration in fine arts classes. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(11), 787-798.
6. KG Khamidovna. Aesthetic importance of the use of information and communication technologies in fine and applied arts lessons - *Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR)*, 202
7. Bobonazarov S. U. Tasvirlarni grizayl texnikasida ishlashning o'ziga xosligi // *Innovative Development in Educational Activities*. – 2022. – T. 1. – №. 6. – С. 114-118.
8. Шавдиров, С. А. (2017). Подготовка будущих учителей к исследовательской деятельности. *Педагогическое образование и наука*, (2), 109-110.
9. Ibragimovich I. X., Shovdirov S. A. THEORETICAL PRINCIPLES OF THE FORMATION OF STUDY COMPETENCIES REGARDING ART LITERACY IN STUDENTS // *Science and Innovation*. – 2023. – Т. 2. – №. 10. – С. 192-198.
10. Soli Tolibovich Sadiyev O'RTA ASRLAR SHARQ MINIATYURA MAKTABLARINING METODLARI // *SAI*. 2022. №С2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/o-rta-asrlar-sharq-miniattyura-maktablarining-metodlari> (дата обращения: 26.10.2023).
11. Jalolov S. METHODOLOGY OF PROFESSIONAL TRAINING OF ARTS TEACHERS // *Science and innovation*. – 2023. – Т. 2. – №. В5. – С. 37-39.
12. Абдуллаев А. Х. ЎЗБЕКИСТОНДА ЧИЗМАЧИЛИК ВА ЧИЗМА ГЕОМЕТРИЯ ФАНИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ // *ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ*. – 2022. – Т. 5. – №. 3.

VETERINARIYA VA CHORVACHILIK TIZIMIDAGI HAMKORLIKNI RIVOJLANTIRISHDA TARJIMONLIK SOHASINING O'RNI

Aripova Shoira Djurakulovna

Samarqand davlat veterinariya meditsinasi, chorvachilik va biotexnologiyalar universitetining Toshkent filiali

Annotation. This article emphasizes the need for qualified translators to interact with international experience in foreign language and apply their many years of experience in the learning process in the agricultural sphere.

Key words: satellite, equipped, web-control device, increasing demand, united sphere, traditional method, international collaboration, dialogue.

Аннотация. В этой статье подчеркивается необходимость того, чтобы квалифицированные переводчики могли взаимодействовать с международным опытом и применять свой многолетний опыт в процессе обучения при аграрной области.

Ключевые слова: искусственный спутник, оборудованный, устройства веб-контроля, увеличение спроса, единая сфера, традиционный метод, международное сотрудничество, диалог.

Prezidentimizning bir qancha farmonlari bilan qishloq va suv ho'jaligi tizimida qator ilg'or texnologiyalardan foydalanishni yo'lga qo'yilganligi barchaga ma'lum. Dastlabki gaz traktorlari va kimyoviy o'g'itlar XIX asrdanoq paydo bo'lgan bo'lsa, dehqonchilikda sun'iy yo'ldoshdan foydalanish XX asrning ikkinchi yarmiga to'g'ri keladi. Jon Dirning GPS-datchiklar bilan jihozlangan traktorlariga ham salkam yigirma yil bo'lib qoldi. Uzoq yo'lni bosib o'tgan texnologiyalar hamon rivojlanishda.

Bugunga kelib, veb-interfeysli qurilmalar va xizmatlar ancha ko'p ommalashdi, shuning uchun ham internetga nisbatan, xorijiy tilga nisbatan bo'lgan qiziqish rekord darajasiga yetdi. Dehqonchilikning an'anaviy usullari o'sib borayotgan talabni qondira olmaydi, shu bois aqlli qishloq ho'jaligiga tobora ko'proq murojaat qilishmoqda. Va bu kelajagi porloq yagona soha bo'lishiga shubha yo'q. Buning uchun yuqorida aytib o'tilgan qurilmalarning ishlab chiqarilgan davlatdan olib kelish va ularni keraklicha qo'llash uchun albatta uchun xorijiy tilni o'rganish va uni tarjima qila olish zamon talablardan biridir.

Tarjimonlik uzoq asrlardan buyon dunyo xalqlari tarixi va madaniyatida shakllanib kelayotgan ko'hna ijodiy faoliyat sohalaridan biri hisoblanadi. Bu soha vositasida dunyo xalqlari bilan yaqinlashish ularning tarixiy madaniy ilmiy adabiy siyosiy hamda jahonda mavjud boshqa voqea hodisalardan boxabar bo'lish imkoniga ega bo'lamiz. Tarjimonlarni halqlar o'rtasidagi aloqalarning elchilari deb ham atash mumkin. Tarjimonlar sa'y harakati o'laroq ko'plab jahondagi buyuk mutafakkir adiblarning hayoti va ijodidan bahramand bo'lib kelmoqdamiz. Jumladan, Uilyam Shekspir, Aleksandr Pushkin, Sharlotta Bronte, Charlz Dikens singari adiblarning noyob asrlaridan butun dunyo o'quvchilari ma'naviy ozuqa

olishmoqda. Shu bilan birga, bu qudratli vosita orqali jahonga o'zbekning boy milliy adabiyotini tarixini san'atini ham tanitish imkoniga ega bo'lmoqdamiz.

Chet tillarini o'rganishni tashkil etishning amaldagi tizimini tahlil qilish jahon tajribasidan o'tgan ta'lim standartlari o'quv dasturlari va darsliklarini shuningdek, xorij axborot va media texnologiyalarini O'zbekiston ta'lim tizimida qo'llash va ularni takomillashtirib borish hozirgi zamon talabidir. Chunki buning negizida jahon sivilizatsiyasi yutuqlari hamda dunyo axborot resurslaridan keng foydalanishlari halqaro hamkorlik va muloqotni rivojlantirishlari uchun shart-sharoit, imkoniyat yaratish maqsadi yotadi.

Ta'lim jarayonini tashkil etishda xorij o'quv markazlari chet tillar bo'yicha halqaro ekspertlar va mutaxassislar bilan aloqa bog'lash va ularning ko'p yillik tajribasini O'zbekiston ta'lim tizimida qo'llashni amalga oshirishda albatta birinchi navbatda malakali tarjimonlarning sa'yi harakati lozimdir.

Shuningdek, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekiston Respublikasida xorijiy tillarni o'rganishni ommalashtirish faoliyatini sifat jihatidan yangi bosqichga olib chiqish chora-tadbirlari to'g'risida" 2021-yil 19-maydagi PQ-5117-son qaroriga muvofiq, shuningdek, xorijiy tillarni o'rganishni ommalashtirish bo'yicha tashkiliy chora-tadbirlarni samarali amalga oshirish maqsadida qarorda mavjud ko'plab bandler misol uchun "o'smirlarni xorijiy tillarga o'rgatish bo'yicha ko'rsatuvlar tayyorlash hamda ularni translyatsiya qilish boshqa halqlarning tarixi va madaniyati jahon ilmi va texnikasiga bag'ishlangan ilmiy-ommabop, xorijiy, badiiy hamda multiplikatsion filmlarni o'zbek tilidagi subtitr yordamida muntazam ko'rsatib borishni amalga oshirish" ning ijrosida ham bu soha vakillarining o'rni beqiyosdir.

Mazkur maqolada Samarqand davlat veterinariya meditsinasi, chorvachilik va biotexnologiyalar universitetining Toshkent filialida xorijiy tili fani bo'yicha talabalar bilimi qanchalik tubdan yuqorilab borayotganligini ham ta'kidlab o'tish joiz deb bilaman va uning samaradorligini nazorat qilish tizimi orqali qanday olib borilayotganligi haqida fikr yuritamiz. Bizga ma'lumki, har bir amaliy mashg'ulotga joriy (kundalik) nazorat o'tkazilib, unda har bir talabaning bilimi berilgan matnni mazmunini aytib berish, matndagi mutaxassislikka oid atamalarni izohlash va berilgan mavzu bo'yicha bo'yicha taqdimotnoma tayyorlash, shuningdek leksik, grammatik mashqlarni bajarish bilan baholanadi.

Kafedrada talabalar uchun har bir semestrda og'zaki, yozma oraliq va yakuniy nazorat tekshirish o'tkazish uchun nazorat materiallari tayyorlangan va bu kafedraning o'quv majmuasida o'z aksini topgan. Har bir talaba nazorat turlari bo'yicha berilgan topshiriqlarni bajargandan so'ng mazkur fan bo'yicha tuzilgan reyting tizimi asosida baholanadi. Har bir filologik va nofilologik oliy o'quv yurti xorijiy tillar kafedralarida talabalar bilimi, malaka va ko'nikmalarini tekshirish hamda ularni nazorat qilish uchun metodik ko'rsatmalar mukammallashtirib ishlab chiqilsa, biz mutaxassislar uchun kasbiy omilkorligimizni oshirishda asosiy zamin yaratilgan bo'lardi. Oliy o'quv yurtlarida xorijiy tillarni o'qitish har bir oliy o'quv yurti talabalarni mutaxassisligiga oid adabiyotlardan mustaqil foydalanishga tayyorlash uchun zarur miqdordagi atamalar bilan tanishtirish, maishiy, ijtimoiy-

siyosiy va mutaxassisliklarga doir mavzularda talabalar bilan suhbat olib borish uchun ularda og'zaki va yozma nutq malakalarini o'stirish maqsadga muvofiqdir. Har tomonlama yetuk, barkamol, mustaqil fikrlay oladigan insonni tarbiyalash bugungi kunning eng dolzarb vazifasi hisoblanadi.

Jahon hamjamiyatida o'ziga munosib o'rin egallashga harakat qilayotgan mustaqil O'zbekiston ravnaqi uchun xorijiy hamkorliklar faoliyatini olib borish uchun har bir soha mutaxassisi uchun xorijiy tillarni mukammal bilishi muhim ahamiyatga ega. Jumladan, chet tilini amalda qo'llay olishlari uchun biz Samarqand davlat veterinariya meditsinasi, chorvachilik va biotexnologiyalar universitetining Toshkent filialida xorijiy til o'qituvchilari xorijiy tili fanidan ma'lum bilimlar berishi va ularning chorvachilik va uning meditsinasiga oid zarur bo'lgan so'z va so'z iboralari, lug'at boyligini oshirishi va so'zlardan ibora va gaplar tuzish, nutqiy vaziyatlar yaratish va mustaqil tahlil qilish barobarida tarjima qilish ham o'rgatib bormoqdalar.

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, boshqa sohadagi jumladan qishloq ho'jaligida tarjimonlik hozirgi zamonda eng zarur, hamda takomillashtirilib borilishi lozim bo'lgan sohadir. Chunki tarjimonlar nafaqat ta'lim tizimida balki boshqa jabhalarda shu jumladan, qishloq ho'jaligi va chorvachilikda ham muhim rol o'ynaydi. Zero, bizningcha, tarjimonlar elchining yonidagi elchi, diplomatning yonidagi diplomat, siyosatchining yonidagi siyosatchi, chorvadorning yonidagi chorvador va veterinardir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoyev tomonidan 2017 yil 20 aprelda "Oliy ta'lim tizimini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi Qarori
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2012 yil 10 dekabrda "Chet tillarni o'rganish tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi Qarori
3. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoyevning 2017 yil 22 dekabrda Oliy Majlisga Murojaatnomasi.
4. Golish L.V., Fayzullayeva D.M. Pedagogik texnologiyalarni loyihalashtirish va rejalashtirish: O'quv-uslubiy qo'llanma. Innovatsion ta'lim texnologiya seriyasi. –T.: "Iqtisodiyot" 2011.
5. Ishmuhammedov R, Abduqodirov A, Pardayev A. Ta'limda innovatsion texnologiyalar.- Toshkent: Iste'dod, 2008.
6. John Eastwood. Oxford practice interpretation. - Oxford University Press, Second Edition, 2005.

РАЗВИТИЕ РЕЧЕВОЙ КУЛЬТУРЫ СТУДЕНТА В СОВРЕМЕННОМ ОБРАЗОВАТЕЛЬНОМ ПРОСТРАНСТВЕ

Хикматова Дилрабо Пулатовна

Преподаватель кафедры русского языкознания

Бухарский Государственный Университет

Аннотация. Приобщение к гуманистическим ценностям культуры и развитие творческих способностей студентов в статье предлагается осуществлять с помощью нетрадиционных уроков, которые решают такие задачи, как развитие интереса, углубление знаний, формирование речевой культуры, совершенствование навыков и умений по дисциплинам, а также расширяют кругозор студентов, нравственно и эстетически их воспитывают, позволяют раскрыться каждому студенту.

Ключевые слова: речь, культура, чтение личность, педагогические технологии, творческие способности.

Annotation. The article proposes to teach people about the humanistic values of culture and develop the creative abilities of students through non-traditional lessons that help to develop student's interest, deepen their knowledge, formatting speech culture, improving skills and abilities in disciplines. Moreover, it broadens their horizons, cultivates both morally and aesthetically and allows each student to reveal their potential.

Keywords: language, culture, reading personality, educational technology, creativity.

Проблема чтения является одной из наиболее актуальных и животрепещущих проблем современного мира. Литературное образование объективно больше подвержено влиянию разрушительных внешних факторов, которые особенно активно проявили себя в последнее десятилетие: в связи с развитием компьютерных и других информационных технологий происходит, как одно из следствий, падение интереса к литературе вообще. Дети перестали читать, а значит, страдают и грамотность, и интеллект, и эмоциональное и нравственное воспитание, и многие составляющие гармоничного развития личности ребёнка. Чтение – это главное умение человека в жизни, без которого он не может постичь окружающий мир.

Литература как один из ведущих гуманитарных учебных предметов содействует формированию разносторонне развитой, гармоничной личности, воспитанию гражданина, патриота. Приобщение к гуманистическим ценностям культуры и развитие творческих способностей — необходимое условие становления человека, эмоционально богатого и интеллектуально развитого, способного конструктивно и вместе с тем критически относиться к себе и к окружающему миру. Цели и задачи преподавания русского языка и литературы в школе зависят от запроса современного общества, в котором ведущее место занимает культурный диалог. Такой диалог обычно начинается с того, что каждый участник работы делится своими суждениями

о прочитанном произведении, формулирует свои мысли, говорит о том, что показалось ему в данном произведении особенно интересным или странным. Различные суждения сталкиваются между собой, завязываются споры, каждый высказывает свою точку зрения на данный эпизод, и вся работа над произведением строится как поиск ответов на возникшие вопросы.

Такая работа делает необходимым углубленный анализ и комментирование текста. В процессе анализа текста и постановки проблемных вопросов перед обучающимися нередко возникают новые вопросы, и работа над произведением раскрывается в новых аспектах, обучающиеся более глубоко, детально рассматривают произведения, а иногда в совершенно неожиданных ракурсах. Учитель является одним из участников диалога, и ему отводится при этом главная роль, он направляет учащихся, учит искусству убеждать, побуждать к действиям. Это является понятием «речевая культура». А. П. Чехов подчёркивал, что для интеллигентного человека дурно говорить можно считать таким же неприличием, как неумение читать и писать. По его мнению, в деле образования и воспитания обучение красноречию следует считать неизбежным.

Основные задачи изучения русского языка в общеобразовательной школе – формирование коммуникативной, лингвистической, языковой компетенции обучающихся, развитие орфографической и синтаксической грамотности, интенсификации устной и письменной культуры речи. Воспитание всесторонне развитой личности невозможно вне совершенствования такого инструмента познания и мышления, как речь. Поэтому задача развития речи обучающихся является в настоящее время одной из главных задач школы, а в первую очередь уроков русского языка.

Задача учителя состоит в том, чтобы помочь обучающимся осознать и овладеть языком как средством общения – это значит овладеть четырьмя видами речевой деятельности – чтением, слушанием, говорением и письмом. Чтение – это главное умение человека в жизни, без которого он не может постичь окружающий мир. Чтение – это действенный духовный труд, и основой речевого, интеллектуального, нравственного развития являются произведения нашей классики, в большом объёме изучаемой на уроках литературы. Ничто из классики, выученное или просто знакомое обучающимся, не должно лежать мертвым грузом. Язык писателей должен поражать и вызывать желание подражать.

Слушание – активный процесс, и, чтобы услышать, требуется внимание как умственное, так и физическое. Умение слушать приносит больший успех, чем излишняя разговорчивость, поэтому необходимо учить слушать собеседника.

Основой русского языка должна быть работа с текстами литературных произведений, помогающими познать культурные традиции и ценности народов, а также затрагивающие проблемы межнациональных отношений. Развитая речь предполагает владение достаточно большим запасом слов,

умение использовать весь арсенал фонологических, словообразовательных, морфологических и синтаксических средств языка в соответствии с нормами литературной речи, а также умение пользоваться этими средствами в различных ситуациях с учётом задачи точной передачи информации, задачи быть понятным собеседником и задачи воздействия на собеседника. Наше время – время активных, предприимчивых, деловых людей. В стране созданы предпосылки для развития творческой инициативы, открыт широкий простор для выражения различных мнений, убеждений и оценок. Всё это требует развития коммуникативных возможностей современного человека. Важнейшим средством коммуникации является слово.

Слово, речь – показатель общей культуры человека, его интеллекта, его речевой культуры. Вот почему овладение культурой речи, её совершенствование особенно активно начинается в школьные годы и продолжается на протяжении всей жизни. Наиболее важные ступени в овладении речью приходятся на школьный период. Учитель обязан совершенствовать речь обучающихся, обогащать его словарный запас, развивать и повышать культуру речи и всех ее выразительных возможностей, ибо речь – это важная и широкая сфера деятельности человека.

Активная речевая деятельность вырастает из потребности рассказать о своих наблюдениях, мыслях, впечатлениях, чувствах, переживаниях. А такая потребность возникает и складывается тогда, когда жизнь ребёнка наполнена разнообразными познавательными интересами и впечатлениями, богата духовно и эмоционально. Вот и выходит, что учить ребёнка говорить – это значит учить видеть и наблюдать, думать и чувствовать, – это значит расширять его жизненный опыт, воспитывать гармоничную личность.

Одним их эффективных методов формирования речевой культуры обучающихся является применение в учебном процессе различных педагогических технологий, типов и видов уроков, а также использование игровых, ролевых ситуаций. Обращение на уроке к игре объясняется тем, что её эмоциональность, спонтанность позволяет: во-первых, включить обучающихся в занятие неформально, стимулирует их к активному участию на уроке; во-вторых, в любом случае игры – грамматические, лексические, литературные, ролевые – способствуют совершенствованию словарного запаса обучающихся, развитию грамматических, речевых умений и навыков, повышают интерес к предмету.

Особое место в повышении уровня мотивации студентов отводится нетрадиционным урокам, т.к. они решают такие задачи, как развитие интереса, углубление знаний, формирование речевой культуры, совершенствование навыков и умений по дисциплинам, а также расширяют кругозор студентов, нравственно и эстетически их воспитывают, позволяют раскрыться каждому студенту. Нетрадиционные формы уроков и мероприятий проходят в необычной обстановке. Подобная смена привычной обстановки целесообразна, так как она создает атмосферу ожидания, необычности выполняемой работы, снимает психологический барьер,

возникающий в традиционных условиях из-за боязни совершить ошибку. Нетрадиционные формы уроков реализуются с непременным использованием средств слуховой и зрительной наглядности. На таких уроках удается достичь самых разных целей и решить определённые задачи.

Одним из таких уроков является интегрированный урок по дисциплинам «Математика» и «Русский язык» по теме: «Эти трудные, трудные числительные...», позволяющий совместить сложно совместимое, «физику и лирику», русский язык и математику. Тема данного урока является актуальной при проведении уроков по русскому языку и математике. Она вызывает постоянный интерес, т.к. числительные не только трудно произносятся, но и их написание требует определённых знаний и умений, хотя математические задания с числительными записывать гораздо проще, чем проговаривать их.

Таким образом, речевая культура – показатель профессиональной пригодности. Человек всю жизнь совершенствует свою речь, овладевая богатствами родного языка. Каждый возрастной этап вносит что-то новое в свое речевое развитие. Работа с художественными текстами на уроках русского языка способствует не только развитию речевой грамотности, но и формированию диалектического мировоззрения, ведь язык – это способ осмысления и постижения бытия.

Список использованных источников

1. Селевко, Г. К. Современные образовательные технологии – Народное образование. – 1998.
2. Коротаяева, Е.В. Стимулирование творческой деятельности учащихся Русский язык в школе. – 1995. – № 5
3. Карпова, С.И. Развитие памяти, мышления, воображения на уроках русского языка - Русский язык в школе. – 1995.

KOMPYUTER DASTURIY VOSITALAR ORQALI MAKTABGACHA YOSHDA GI BOLALARNI BILISH KOMPTENSIYALARINI SHAKLLANTIRISH METODIKASINI TAKOMILLASHTIRISH

Teshayeva E'zoza Rahim qizi

BuxDU Amaliy matematika yo'nalishi 1kurs magistranti

ezozateshayeva@gmail.com

+998 93-140-54-34

Annotatsiya. Maqolada kompyuter dasturiy vositalarini MTMLarda qo'llash orqali ta'lim sifatini oshirish, tarbiyalanuvchilarning qiziqishini uyg'otish va birxillikdan qochish haqida ma'lumotlar keltirilgan. Bolalaridrokining rivojlanishi, STEAM vositalari, iSpring dasturiy vositalarini qo'llash haqida fikrlar keltirilgan.

Kalit so'zlar: STEAM, STEM, texnologiya, san'at, dizayn, lego, qurish yasash va konstruktorg'lash, savodxonlik, raqamli savodxonlik, raqamli savodxonlik komponentlari.

Аннотация. В статье представлена информация о повышении качества образования, стимулировании интереса учащихся и избегании однообразия за счет применения компьютерных программных средств в ДС. Даны представления о развитии восприятия детей, применении методики STEAM, программных средств iSpring.

Ключевые слова: STEAM, STEM, технологии, искусство, дизайн, Lego, конструирование, грамотность, цифровая грамотность, компоненты цифровой грамотности.

Abstract. The article presents information on improving the quality of education, stimulating the interest of students and avoiding monotony through the use of computer software in DS. The ideas about the development of children's perception, the use of the STEAM methodology, iSpring software tools are given.

Keywords: STEAM, STEM, technology, art, design, Lego, construction, literacy, digital literacy, components of digital literacy.

Fan va texnika rivojlangan bizning davrda kompyuter va u bilan ishlashga bo'lgan qiziqish va ishtiyoq tobora ortib bormoqda. Turli kompyuter dasturiy vositalarining rivojlanib borgani sari texnologiya ham yangilanib va o'zgartirib turiladi. Har qaysi soha texnologiyasini ishlab chiqish uchun texnologik hujjatlarni ishlab chiqish, tizimli texnologik jarayonlar, standartlashtirilgan jihozlar va uskunalardan foydalanishning yagona tartibi bolishi lozim.

O'tgan davr mobaynida mamlakatimizda o'sib borayotgan avlodni sog'lom va har tomonlama yetuk voyaga yetkazish, ta'lim-tarbiya jarayoniga samarali ta'lim va tarbiya shakllari hamda usullarini joriy etishga qaratilgan maktabgacha ta'limning samarali tizimini tashkil etish bo'yicha keng ko'lamli ishlar amalga oshirildi. Maktabgacha ta'lim tizimini yanada takomillashtirish, bolalarning sifatli maktabgacha ta'limdan teng foydalanishini ta'minlash, maktabgacha ta'lim xizmatlarining nodavlat sektorini rivojlantirish maqsadida, shuningdek, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 30-sentabrdagi "Maktabgacha

ta'lim tizimini boshqarishni takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-3955-son qaroriga muvofiq bir qator masasalar joriy qilindi.

Bola dunyoga kelishinilani o'rab turgan muhitdagi voqea va hoidisalarni sezgi a'zolari orqali qabul qila boshlaydi, yillar sayin ularni tahlilqilib boradi.

Maktabgacha yoshda bolada analitik va sintetik faoliyatning murakkab turlari rivojlanadi. Sezgi a'zolari - ko'rish, eshitish, hid bilish va ta'm bilish sezgi jarayonlarida, idrok tufayli atrofdagi olam bolaga rang-barangligi, turli tovushlar bilan ajralib turadi. Bolani idroki rivojlanishi bir necha bosqichlarda amalga oshadi. 3-4 yoshda idrok obyektiv bo'ladi ya'ni bola narsa obyektning xususiyatlarini obyektning o'zi bilan ajrata olmaydi. 4-5 yoshga to'lgach, asosiy shakllar, ranglar, makon va vaqt haqida ilk tasavvurlari shakllanadi. U obyektning kattaligi va ulami taqqoslash haqidagi g'oyani shakllantiradi. 5-7 yoshda esa bola obyektlar va ularning xususiyatlari haqidagi bilimlari kengayadi, idroki yanada jadal, mazmunli va maqsadga muvofiq rivojlanadi. Bola o'zining shaxsiy tajribasini egallay boshlaydi va shu bilan birga ijtimoiy tajribani ham o'zlashtiradi.

Qiziqishning rivojlanish yo'nalishiga muvofiq bolalarga nisbatan tabaqalashtirilgan munosabat bolaning kompyuter bilan o'zaro munosabatini tashkil etish va boshqarishning o'ziga xos usullarida aks ettirilishi kerak. Shunday qilib, bolalar manfaatlarining rivojlanish darajasi va dinamikasini o'rganish har bir bolaning shaxsiy xususiyatlariga muvofiq ish uslubini moslashtirishga imkon beradigan samarali diagnostika vositasidir.

Bugungi kunda STEAM - ta'lim dunyodagi asosiy tendentsiyalardan biri sifatida rivojlanmoqda va amaliyot yondashuvni qo'llashda beshta sohani yagona o'quv sxemasiga integratsiyalashga asoslangan. Bunday ta'limning shartlari uning uzluksizligi va bolalarning guruhlarda o'zaro muloqot qilish qobiliyatini rivojlantirish bo'lib, buna ular fikrlarni to'plashi va fikrlar almashishi mumkin. Shuning uchun, asosiy ta'lim dasturiga quyidagilar: lego-texnologiyalar, bolalar tadqiqotlari kabi mantiqiy fikrlashni rivojlantirish modullari kiradi. STEAM yondashuvi tufayli bolalar tabiatni tushunib, dunyoni muntazam o'rganishadi va shu bilan qiziqishlarini, muhandislik fikrlash uslubini, tanqidiy vaziyatlardan chiqish qobiliyatini, jamoaviy ish qobiliyatini rivojlantirish va liderlik, o'z-o'zini namoyon qilish asoslarini o'rganishadi, o'z navbatida, bolalar rivojlanishining tubdan yangi darajasini ta'minlaydi. O'z-o'ziga ishonchni shakllantirish. Bu yondashuvda bolalar o'z qo'llari bilan yaratgan ko'prik va yo'llar, samolyotlar va avtomobillarni "ishga tushirib", suv osti va havo tuzilmalarini "rivojlantirib", sinovdan o'tkazib, har safar ular maqsadga yaqinlashib borishadi. Yaxshi natija bermagan "mahsulot"ni qayta-qayta sinovdan o'tkazib, takomillashtirib borishadi. Natijada barcha muammolarni o'zi hal qilish, maqsadga erishish bolalar uchun ilhom, g'alaba, adrenalin va quvonch olib keladi. Har bir g'alaba, o'zlarining qobiliyatlariga ko'proq ishonch uyg'otadi. Faol muloqot va jamoaviy ishni tashkil etishni o'rgatadi. Ya'ni STEM tizimida ta'lim ushbu 4 yo'nalishga urg'u bergan holda, undan tashqari ularning bir-biri bilan bog'liqligini ko'rsatgan holda olib boriladi. Globallashtirish davridagi texnologik o'zgarishlarni ortidan qolib ketmaslik maqsadida, yangi texnologiyalar, bazalar shakllanishi, sun'iy aql kabi trend

texnologiyalarni bilish, ularga muvofiq ta'lim berish hozirgi zamon pedagoglarning, pedagogik texnologiyalarning asosiy vazifalaridan biri hisoblanmoqda.

S-Science Kichik yoshdagi bolalarni fan olamiga olib kirishda hayvonot olami, dengiz hayvonlari, o'simlik va hashoratlar haqidagi kitoblardan foydalansa bo'ladi.

T-Technology Atrofimizda, bolalar xonasida, kundalik faoliyatimizda uchraydigan texnologiya buyumlari aks etgan qiziqarli kitoblar bolani texnologiya olamiga olib kiradi. Qaychi, g'ildirak, mashina, oyisining kir yuvish mashinasi, telefon va hokazolarni kitobda ichini ko'rsatgan holda namoyon qilish, buyumlar haqida hikoyalar o'qish mumkin. Qiziqarli hikoya bilan namoyon bo'lgan texnologik buyumlar illyustratsiyasi bolani miyasida savollar paydo bo'lishiga, tahliliy o'ylashga turtki bo'ladi.

E-Engineering Injinerlik sohasiga bolalarni olib kirishni shakllarni o'rganishdan boshlasa bo'ladi. Shakllar, ularning atrofimizdagi buyumlarda aksi, shakllarning bir biri bilan munosabati haqidagi biror shaklga ega bo'lgan kitob foydali vosita bo'ladi.

A – Art Bolani san'at olamiga olib kirishni bolaligidan boshlash zarur. Milliy va dunyo miqyosida buyuk san'at arboblari asarlari, san'at namunalaridan tashkil topgan kitoblar, bolalar ko'ziga yosh psixologiyasini inobatga olgan illyustratsiyalar STEM ta'limi tamoyiliga munosib bo'ladi.

M – Math Kichik yoshdagi o'qishni bilmaydigan bolalarga ham sanash asoslarini o'rgatish mumkin. Faqat bu 1+1 kabi zerikarli, bolaning neyrofiziologik rivojlanishiga to'g'ri kelmaydigan ta'lim bo'lmay, balki interaktiv innovatsion yondashuvga ega ta'limini qo'llashdir.

Dasturiy vositalarni MTMLarida qo'llash bolalarning mashg'ulot jarayonida zerikib qolmasliklariga yordam beradi. Ular yordamida turli testlar yaratish mumkin.

iSpring QuizMaker yordamida, adaptatsiyalashtirilgan testlar, o'xshashlikni aniqlashga yo'naltirilgan topshiriqlar, to'g'ri ketma-ketlikni aniqlashga mo'ljallangan topshiriqlarni yaratish imkoniyati bor.

Xususan, adaptatsiyalashtirilgan rasmlil testlarni yaratish va ulardan mashg'ulot jarayonida foydalanish, shuningdek ketma-ketlikni aniqlash testlari tarbiyalanuvchilarni juda qiziqtiradi. Bunday dasturiy vositalarni qo'llash orqali tarbiyalanuvchilarda yoshlik davridanoq raqobat hissini rivojlantiradi, bu esa ularning ko'proq e'tiborli bo'lishlari, diqqatlarini jamlashlarini talab qiladi va shuni rivojlantiradi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Dilnoza Furqatovna Xalilova. (2023). Bo'lajak tarbiyachilarda ijtimoiy kompetensiyalarni rivojlantirish texnologiyasini takomillashtirish. Conferencea, 115–117.
2. I.V. Grosheva, G.E. Djanpeisova, U.T. Mikailova, M.A. Kenjabayeva, N.A. Miftayeva. O'yin orqali ta'lim olish. T.:2020

3. Ibragimov, X., and Abdullayeva Sh. "Pedagogika nazariyasi (darslik)." T.: Fan va texnologiya 288 (2008).
4. Ибраимов Х. И. Креативность как одна из характеристик личности будущего педагога //Наука, образование и культура. – 2018. – №. 3 (27). – С. 44-46.
5. Ibragimovich X. I. O 'ZBEKISTON OLIY TA'LIM TIZIMIDA KREDIT-MODUL TEXNOLOGIYALARINI QO 'LLASHNING O 'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI //INTEGRATION OF SCIENCE, EDUCATION AND PRACTICE. SCIENTIFICMETHODOICAL JOURNAL. – 2021. – С. 209-214.
6. Горвиц Ю.М., Чайнова Л.Д., Поддъяков Н.Н., Зворыгина Е.В. и др. Новые информационные технологии в дошкольном образовании. – М.: ЛИНКА-ПРЕСС, 1998.
7. Сафарова, Закия Тешаевна, Аваз Райимович Райимов, Мафтуна Саидова. "Адаптирование детей к новым социальным условиям." *Научный журнал* 5 (28) (2018): 20-22.
8. Новоселова С.Л. Развитие мышления в раннем возрасте. –М.: Педагогика, 1998.
9. Дьяченко О.М., Варенцова Н.С. Основные направления работы по программе «Развитие» для детей второй младшей группы. Дошкольное воспитание. 1994. №2. С. 5-11.
10. Марьясова И.П. Компьютер в детском саду./Информатика в школе.
11. Sharipova, D., D. Hikmatova, and Z. Safarova. "ADAPTATION AND ACTIVE INTERACTION OF YOUNG CHILDREN WITH ENVIRONMENT." *Science and innovation* 2.B5 (2023): 341-342.

ОЧИҚ УРУҒЛИЛАРНИНГ ТАБОБАТДАГИ АҲАМИЯТИ

Жабборов Бахтиёр Искандарович

*БухДУ Ботаника ва ўсимликлар
физиологияси кафедраси катта*

*ўқитувчиси
+99897 3023272*

Шамсиева Нилуфар Шавкат қизи

БухДУ. Биология таълим йўналиши

*4 босқич талабаси
+99888 300 12 27*

Очиқ уруғлиларнинг табиатдаги аҳамияти жуда катта. Бу уларнинг кенг тарқалиши, уруғларнинг озуқавий қиймати ва ёғочнинг ажойиб сифати билан боғлиқ. Шунингдек, улар карбонат ангидрид миқдорини камайтирадиб шох-шаббаларининг кўплиги туфайли фотосинтез жараёни жадал боради ва атмосферани кўп миқдорда кислород билан таъминлайди. Улар кенг ҳудудларни эгаллаб, кўплаб ҳайвонлар учун қулай яшаш жойларини яратадиган аралаш ва игнабаргли ўрмонларни ҳосил қилади. Ҳайвонот дунёси биохилма-хиллигини сақлаш учун улар ҳосил қиладиган ўрмонлар жуда катта аҳамиятга эга.

ҚАРАҒАЙДОШЛАР — очиқ уруғлилар типига мансуб оила. Игнабаргли дарахт ва буталардан ташкил топган. Қарағайдошларнинг уруғчи куббалари кичик қопловчи ва катта тангача барглардан иборат. Кубба етилгач, ёғочланади. У бутунлигича ёки бўлиниб тўкилади. Кўпчилик турлари чангида иккита ҳаво пуфакчалари бор. Уруғлари қанотли, уруғ куртаклари эса тескари. Уруғчи ва чангчи куббалари доимо бир ўсимликнинг ўзида жойлашади. 2000 дан ортиқ турни ўз ичига олган 9 туркуми бор. Кўпчилик турлари Шимолий ярим шарнинг ўрта минтақасида тайга ўрмонларини ҳосил қилади. Ўзбекистонда қарағай, қора қарағай, тилоғоч, пихта ва кедр каби туркумларнинг бир неча турлари учрайди. Тошкент ва бошқа шаҳар кўчаларида айрим турлари декоратив ўсимлик сифатида ўстирилади.

Очиқ уруғлиларга асосан арча, қарағай, кедр, қорақарағай, гингко билоба каби бир қатор ўсимликлар киради. Баъзи очиқ уруғлилар дориворлик хусусиятларини намоён қилади, уларнинг бу хусусиятларидан халқ табobati билан бирга замонавий тиббиётда ҳам фойдаланилади. Қуйида тиббиёт саноатида қўлланиладиган бир неча очиқ уруғлилар билан танишиб чиқамиз.

Қарағай дарахти. Тиббиётда куртакларидан, куббалари ёки игналардан тайёрланган сув ва спиртли экстрактлар қўлланилади. Қарағай асосидаги дорилар бронхит, пневмония, сил каби бир қатор касалликларни даволашда

ишлатилади. Шулар билан бир қаторда ундан турли тери касалликларида, дерматология соҳасида ҳам фойдаланилади.

Қарағай ажойиб табиий шифокор. Доривор мақсадларда қарағайнинг игналари, очилмаган баҳор куртаклари ишлатилади. Уларда ефир мойи, қатронлар, крахмал, танинлар, С, В, К, Р витаминлари, каротин мавжуд. Қарағай куртакларининг қайнатмаси нафас йўллари эпителиясининг секретор фаоллигини рағбатлантириш, балғамнинг ёпишқоқлигини камайтириш, кирпикли эпителия функциясини рағбатлантириш орқали балғам кўчирувчи сифатида ишлайди. Бундан ташқари, қарағай куртаклари диуретик, гемостатик, яллиғланишга қарши, дезинфекцияловчи таъсирга эга. Қарағай игналаридан тайёрланган препаратлар балғам кўчирувчи, микробларга қарши, дезинфекцияловчи, диуретик, цинга (искорбит)га қарши, оғрик қолдирувчи хусусиятларга эга. Шунингдек қарағай препаратлари диуретик, сафро ҳайдовчи, яллиғланишга қарши восита сифатида ишлатилади. Буйраклар кўкрак ва диуретик тўпламларнинг бир қисмидир. Қарағай куртакларининг дамламаси, инфузиони ва дамламаси бронхит, пневмония, ярали-буйрак ва ўт қопи тош касалликлари учун оғиз орал қабул қилинади. Чой куйидагича тайёрланади: 10 стакан қайноқ сув учун 1 г куртаклари дамланади ва 2 чой қошиғидан кунига 3 ичилади.

Шунингдек бу ўсимликнинг витаминлилик хусусиятлари ҳам жудамашхур. Фойдали ванналар қабул қилиш учун уларнинг экстрактларидан фойдаланилади.

Халқ табобатида қарағай куртаклари қайнатмаси сурункали тошмалар, сурункали бронхит, ревматизм учун ишлатилади, куртакларининг сувли қайнатмасининг буғлари нафас олиш учун ишлатилади. Баъзида куртакларининг спиртли дамламаси антитуберкулёз восита сифатида ишлатилади.

Қарағайнинг қуритилган сариқ чанглари умрни узуйтириш ва ёшартириш хусусиятига эга. Қарағай новдалари витамин С га жуда бой, уларнинг дамламаси ва қайнатмасидан турлиичимликлар тайёрлашда ҳам кенг фойдаланилади.

Можжевельник- бу ўсимлик ҳам Ўзбекистоннинг барча вилоятларида ўстирилади. Халқ табобатида унинг меваларидан балғам кўчирувчи, сийдик ҳайдовчи, хазм жараёнининг кўзғатувчи ва яхшиловчи восита сифатида фойдаланилади. Можжевельник асосидан тайёрланган препаратлар нефрит, сурункали нефрит, пиелонефрит, цистит ва утурли шишларда ишлатилади. Меваси (қуббалари) бўғим оғриқлари, камқонлик, жигар касалликлари, подагра ва бир қатор касалликларда қўлланилади.

Туя- бу ўсимлик ўзининг жой танламаслиги билан бошқа турларидан фарқ қилади.дориворлик хусусиятлари ҳам бошқаларидан қолишмайди. Унинг қуббалари ва ёш новдалари, баргларида тайёрланган дамламалар яллиғланишлар, ЎРВИлар, ЎРК, болалар аденоиди, вазомотор ринит, простатит, простата аденомаси, кистит, трихомонад кальпит, папилломаларни даволаш, кондиллома ва сўгалларни туширишда кенг қўлланилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Сафарова З. Т., Фармонова О. С. К. Медоносные растения Узбекистана //Scientific progress. – 2022. – Т. 3. – №. 1. – С. 1083-1084.
2. Сафарова З., Кенжаева Н. ЛЕКАРСТВЕННЫЕ РАСТЕНИЕ КАК КОРМОВАЯ ДОБАВКА ДЛЯ ДОМАШНЕЙ КУРИЦЫ //Development and innovations in science. – 2022. – Т. 1. – №. 15. – С. 77-78.
3. Djaborov Bakhtiyor Iskandarovich. THE ROLE OF MINERAL FERTILIZERS IN THE CULTIVATION OF MEDICINAL PLANTS
4. Попов А.П. Лесные целебные растения. – М.Лесная промышленность, 1973. - С. 52-55, 136-138.
5. Атлас ареалов и ресурсов лекарственных растений СССР/ Под ред. П.С. Чикова – М.: Медицина - 1976. - С. 310.
6. Вилламо Х. Косметическая химия. - М.: Мир, 1990. - С. 52.

КАНАКУНЖУТ (OLEUM RICINI) ЎСИМЛИГИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Гафарова Саида Мухамеджановна
БухДУ Ботаника ва ўсимликлар
физиологияси кафедраси катта ўқитувчиси

Халилова Феруза Маматкуловна
БухДУ Зоология ва умумий биология
кафедраси ўқитувчиси

Аннотация. мақолада канакунжут ўсимлигининг морфологияси, хусуиятлари, кимёвий таркиби, канакунжут мойи унинг дориворлик хусуияти, табобатда ва тиббиётда ишлатилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: канакунжут, oleum ricini, рицин, кислота, рицинол, алкалоид, морфология, стеарин, олеин, линолин, деоксистерин, глицерин.

Аннотация. в статье представлена информация о морфологии, свойствах, химическом составе растения клещевина, использование его масла в медицине, в народной медицине в лечебных целях.

Ключевые слова: клещевина, олеум ричиниевый, рицин, кислота, рицинол, алкалоид, морфология, стеарин, олеин, линолин, дезоксистерин, глицерин.

Annotation. the article provides information about the morphology, properties, chemical composition of the castor plant, whether kanakunjut oil is used in medicine, medicinal purposes.

Keywords: castor plant, ricinium oleum, ricin, acid, risinol, alkaloid, morphology, stearin, olein, linolin, deoxysterin, glycerin.

Канакунжут ўсимлиги қадим замонлардан бери етиштирилган, уруғлари Миср фиръавнлари қабрларидан топилган. Бу ажабланарли эмас, чунки Канакунжут ўсимлиги узоқ вақтлардан ёғини олиш учун етиштирилган.

Доривор бу ўсимликнинг узунлиги 2–3 м, ўйиқ баргларининг диаметри эса ярим метрни ташкил қилади. Ўсимликнинг навларидан келиб чиқиб баргларининг ранги яшил, қизғиш-қўнғир, бинафша ранг бўлиши мумкин. Барглари узун бандда жойлашган бўлиб, ўсимликка катта елпиғичсимон пальма шаклини беради. Уруғлари ва меваси ҳам алоҳида чиройга эгадир. Канакунжут ўсимлиги бир уйлидир, эркаклик гуллари алоҳида тутам шаклида бўлиб, уруғланиш ниҳоясига етгач сўлиб қолади. Урғочи гуллари эса думалок, тиканли мевани ҳосил қилади, уларнинг ичида бир нечта уруғлар жойлашган. Ўсимликнинг кўсаги оч рангда, уруғлари ҳам нақшинкор, чипорлиги билан ажралиб туради. Канакунжутнинг ватани – Африка. Илқ тропик ва субтропик иқлим минтақали худудларда бу ўсимликнинг бўйи 10 метргача етади. Шимолий худудларда уни бир йиллик ўсимлик сифатида ўстирилади.

Канакунжут ўсимлигининг уруғлари ташқи томондан қалин уруғ пўсти билан қопланган, шунинг учун унинг униб чиқиши бир оз вақт талаб қилади, уруғининг униб чиқишини тезлаштириш учун скарификация усулидан фойдаланилади. Бу усул, уруғ қобиғини сунъий бузишга асосланган, бунинг учун оддий қирғич қоғоз ёки эгов билан уруғ қобиғи бир оз қирилади, юпқаланади, уруғнинг униб чиқиш муддати узоғи билан 3 ҳафтани ташкил қилади. Хона ўсимлиги сифатида тувакда ўстириш жуда мушкул, унинг илдизи тарвақайлаб, кенг ўсиши керак, хона шароитида ўсимликнинг ўсиш тезлиги бир оз пасаяди, табиий шароитда эса унинг бир ойлик новдаларини барги кафтдек келади.

Канакунжут ўсимлиги заҳарли ўсимликлар сарасига киради, уни ўстириш жараёнида уруғларини истеъмол қилинмаса, новда ва барглариغا ишлов бергач қўлни ювса ҳеч қанақа хавф йўқ. Ўсимликнинг заҳарли ўсимликлар қаторига киритилиша сабаб унинг таркибидаги рицин алколоидидир. Рицин ўсимликнинг уруғи таркибида кўпроқ бўлади. Уруғларини бевосита истеъмол қилиш кучли заҳарланиш, ҳатто ўлимга ҳам олиб келиши мумкин. Табобатда ва замонавий тиббиётда термик ишлов бериш натижасида рицин моддаси парланиб келади. Ўсимликнинг дориворлик хусусиятлари ҳақида гапирадиган бўлсак, қадимдан уни ич юмшатувчи восита сифатида қўллашган. Шунингдек, унинг мойи соч илдизини мустаҳкамловчи, толасини юмшатувчи, ҳамда оёқ кийимларини мойловчи восита сифатида ишлатилади.

Канакунжут уруғи 40-56% қуримайдиган ёғ кислоталари ва асосан 80-85% тўйинмаган рицинол кислотаси глициридидан ташкил топган. Канакунжут мойи таркибида стеарин, олеин, линолин, деоксистерин кислоталари ва глицерин бўлади. Уруғи таркиби оксиллар (14-17%), алколоидлар (0,1-1,0 %), азотсиз моддалар (10-12%), клетчатка (18-19%) ва оксил хусусиятига эга бўлган рицин бор.

Ўсимликнинг мойи дориворлик хусусиятига эга. У терини юмшатиш учун, гинекология ва жарроҳлик амалиётида ҳамда суртма ва бальзамлар таркибига қўшилиб, куйганни, яраларни, лейшманиозни даволашда ишлатилади, мойидан олинган ундецилен кислотасининг суртмаси (“ундецин”) дерматозлар, псориаз ва бошқа тери касалликларида қўлланилади.

Канакунжут ёғидан ўз ўрнида фойдаланилса яна бир қатор хасталикларга шифо бўлади. Сўгалларни кетказиш учун кечқурун ётишдан олдин 20 дақиқа давомида канакунжут ёғи сўгалга суртилади.

Янги туғилган гўдакнинг киндиги тезда тузалмаётган бўлса, унда канакунжут ёғи суртиб турмоқ лозим. Канакунжут ёғи ҳафтасига бир марта киприкларга суртилса, киприклар тез ўсади. Аёлларнинг кўкрак безига канакунжут ёғи суртилса, сут ажралиши кўпаяди. Ёш болаларнинг сочи секин ўсаётган бўлса, унинг бошига канакунжут ёғи сингдириб суртилади. Одатда бундай муолажа ҳафтасига икки марта қўлланилиб, кечқурун суртилган ёғ эрталаб ювиб ташланади. Сочнинг ўсиши жадаллашгач, бундай

тадбир ҳафтасига бир марта қўлланиши мумкин. Бавосил қийнаётган бўлса, тўғри ичакнинг ташқи қисмига канакунжут ёғи суртилади. У шиллик қаватни юмшатиб, даволанишга ёрдам беради. Тик туриб меҳнат қилиш натижасида оёқлар зирқираб оғрийдиган бўлса, ҳафтасига икки мартаба уйқудан олдин оёққа канакунжут ёғи ишқаб суртилгач, устидан пахта матоли пайпоқ кийиб ётилади. Бундай муолажа қўллангач, оёқ териси майин тортиб нохуш оғриқлардан халос бўлиши мумкин. Шамоллаганда ёки бронхит билан оғриганда 1 ошқошиқ скипидар ва 2 ошқошиқ канакунжут ёғи аралаштирилиб, кўкракка енгил суртилгач, иссиқ мато билан ўралса тузалиш тезлашади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Нажмиддинов Ж. Н., Эсанов Х. К., Гафарова С. М. Интродукция облепихи в климатических условиях Бухарской области //Ученый XXI века. – 2015. – №. 7-8 (8-9). – С. 10-12.
2. Гафарова С. Эфир мойли ўсимликларнинг биологик хусусиятлари ва халқ хўжалигидаги аҳамияти //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.uz). – 2021. – Т. 8. – №. 8.
3. Сафарова З. Т., Фармонова О. С. К. Медоносные растения Узбекистана //Scientific progress. – 2022. – Т. 3. – №. 1. – С. 1083-1084.
4. Дударь А. К. Ядовитые и вредные растения лугов, сенокосов, пастбищ. — Москва: Россельхозиздат, 1971. — С. 26. — 96

INSONNING RUHIY HOLATINI O'RGANISHDA PROYEKTIV METODLARNING AHAMIYATI

O.I.Yadgarova

Ilmiy rahbar: p.f.f.d (PhD), dotsent v.b:

S.X.Salimova

SamDChTI Ingliz I talabasi:

Annotatsiya. Ushbu maqolada inson ruhiy holatini o'rganishda proyektiv metodlarning ahamiyati va afzalliklari bayon etilgan. Psixologiya fanini o'rganishda proyektiv metodlar o'zining alohida o'rniga ega. Negaki, proyektiv metodlarni qo'llamay turib psixologiyaning obykti hisoblangan shaxsni o'rganish mushkul. Shuningdek, maqolada talabalar ishtirokida o'tkazilgan proyektiv metod va uning natijalari tahlili berilgan.

Аннотация. В данной статье описаны важность и преимущества проективных методов в исследовании психического состояния человека. Проективные методы занимают особое место в изучении психологии. Ведь трудно изучать человека, который считается объектом психологии, без использования проективных методов. Также в статье представлен анализ проективного метода и его результатов, проведенный с участием студентов.

Annotation. This article describes the importance and advantages of projective methods in the study of a person's mental state. Projective methods occupy a special place in the study of psychology. After all, it is difficult to study a person who is considered an object of psychology without using projective methods. The article also presents an analysis of the projective method and its results, conducted with the participation of students.

Kalit so'zlar: psixologiya, proyektiv metodlar, individuallik, xarakter, emotsiya, onglilik va ongsizlik, test, geometrik shakllar, ruhiyat.

Ключевые слова: психология, проективные методы, индивидуальность, характер, эмоция, сознание и бессознательное, тест, геометрические фигуры, психика.

Key words: psychology, projective methods, individuality, character, emotion, consciousness and the unconscious, test, geometric figures, psyche.


Inson ruhiy holatini o'rganishda proyektiv metodlar o'zining alohida o'rniga ega. Ma'lumki, insonga xos belgilardan biri undagi individuallik hisoblanadi. Har bir insonning o'z ruhiy olami bor, ya'ni hech bir inson bir biriga o'xshamaydi. Demak, yer yuzida milliardlab insonlar bo'lsa, milliardlab individuallik ham mavjuddir. Shu o'rinda ta'kidlab o'tish zarurki, o'tgan yillar davomida inson ruhiyatini o'rganish masalasi dolzarbligini bir necha qonun va hujjatlar bilan mustahkamlanib qo'yildi. Jumladan, 2019-yil 7-iyunda O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi tomonidan qabul qilingan "Psixologiya sohasida kadrlarni tayyorlash tizimini yanada takomillashtirish va jamiyatda huquqbuzarliklarning oldini olish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qonunda "Bola ruhiyatida salbiy

o'zgarishlarga sabab bo'ladigan omillarni aniqlash uchun ishonch telefoni va "call-center" tashkil etish", "Yoshlar psixologiyasiga oid ko'rgazmali materiallarni tayyorlash" va shu kabi dolzarb masalalar oldinga surilgan. Proyektiv metodlar insondagi o'ziga xos individuallikni o'ziga xos tomonlarini o'rganishda tadqiqotchiga bir qancha qulayliklar beradi. Proyektiv metodlarni o'rganmay turib psixologiyaning obyekti hisoblangan shaxsni o'rganish mushkul. Shu o'rinda proyektiv metodlar haqida to'xtalib o'tishimiz lozim. Bu tushunchani fanga avstriyalik nevrolog va ruhshunos Zigmund Freyd (1856-1939) kiritgan bo'lib, proyeksiya insonlarning onglilik va ongsizligi bilan ko'chirib olgan shaxsiy xarakterlari, tashqi dunyoga o'z munosabatini aks ettirish uchun foydalaniladi. Proyeksiya so'zi lotincha "proyektio" so'zidan olingan bo'lib, "oldinga irg'itish", "tashlash" degan ma'nolarni anglatadi. Proyektiv metodikalarning yaratilish tarixi XX asr boshlariga borib taqaladi. 1904-1905-yillarda K.G. Yung tomonidan ishlab chiqilgan so'zli assotsatsiyalar buning dalilidir. Proyektiv metodlar yordamida inson proyeksiyalarining psixologik mexanizmlari o'rganiladi.

Shuningdek G. S. Friman proyeksiyani:

- 1) Ongsizlik holati, ya'ni insonning bu holatda boshqa kishilarning g'oya, qarash, istak, emotsiya yoki xarakter xislatlarini o'ziga olishi sifatida;
- 2) O'z shaxsiy ehtiyojlarini boshqalarga ko'chirish sifatida;
- 3) Qandaydir tajribaga asoslangan noto'g'ri xulosa chiqarish sifatida qaraydi.[\[1\]](#)

Quyida inson ruhiy holatini o'rganish bo'yicha o'tkazilgan tadqiqotimizdan bir namuna keltiramiz. Geometrik shakllardan odam rasmini chizish nomli quyidagi proyektiv testni SamDChTI 1-kurs 2301-guruh talabalarida o'tkazdik. Bunda 4 nafar talabalardan geometrik shakllar: uchburchak, to'rtburchak va aylana yordamida odam tasvirini chizish so'raldi. Qatnashchilar odam tasvirini quyidagicha chizishdi:



(1-qatnashchi) (2-qatnashchi) (3-qatnashchi) (4-qatnashchi)

So'ngra chizilgan rasmlardagi shakllar (avval uchburchak, so'ng to'rtburchak va eng oxirida aylana) soniga ko'ra test natijalari e'lon qilindi. Bunda

❖ 1-qatnashchi 631 ko'rsatgichga ega bo'ldi va bu ko'rsatgich 1-tipga, ya'ni ta'lim-tarbiya boshlig'i tipiga mos bo'ldi. Bu tipdagi insonlarda, asosan, o'zini ustun qo'yish, liderlikka intilish yaqqol ko'zga tashlanadi.

❖ 2-ishtirokchi 532 ko'rsatgichga ega bo'ldi va ma'suliyatli ijro etuvchi (ongli va tez qabul qiladigan) sifatlariga ega deb topildi (2-tip). Bu toifa kishilar boshqalardan ko'ra o'sha sohani mukammal o'rganish, o'z ishini ustasi bo'lib, faol mehnat qiluvchi inson hisoblanadi.

❖ 3-qatnashchining ko'rsatgichi 433 bo'lib, bu qatnashchining vahimachi va hadiksirovchilar tipida ekanligi (3-tip), asosan shoirona, ijodiy iste'dod egalari ekanligi aytib o'tildi. Bu tilda iste'dodli, salohiyatli va uddaburonlik xususiyatlari ko'p kuzatiladi.

❖ So'nggi 4-qatnashchi 136 ko'rsatgichni qayd etdi va intellektual odam tipiga kirishi (6-tip), bu o'quvchilar tug'ma kuchli taassurot egalari ekanligi, biroq ular orasida ijodiy intellektual, rassom va faylasuflarning ko'pligi, bu turdagilar o'z ichki dunyolariga asoslanib yashovchi odamlar ekanligi ta'kidlab o'tildi.

Proyektiv metodlarni o'tkazishdan maqsad insonlarning xulq-atvorini va xarakterini o'rganib, ularga hayotda kim ekanligini, motivlarini ko'rsatib berishdir. Bunday test yordamida insonlardagi ongsiz istak va qo'rquvlari ochib berilishi kutiladi. Proyektiv testlar natijasidan psixoterapevtlar insonlardagi ruhiy tushkunlik sabablarini aniqlash va ularga chora ko'rish uchun foydalanishadi. Shu bilan birgalikda, proyektiv metodlarning bir qancha afzallik jihatlari mavjud. Masalan, proyektiv testlar odamlarga o'z fikrlari va g'oyalarini mulohazalar yoki ijtimoiy cheklovlardan qo'rqmasdan ifodalash imkonini beradi (so'rovnomalar yoki rasmiy intervyular). Agar odamlar javob berish orqali o'z fikrlarini erkinroq ifoda eta olsalar, psixologlar ongli va ongsiz mexanizmlarni o'rganishlari mumkin, bu ularga shaxsiy yoki ichki xarakterdagi muammolarni tushunishga yordam beradi.

Xulosa qilib aytganda, yaratilganiga 1 asrdan oshgan bu metodlar bugungi kunda o'zini oqladi va nafaqat psixologiyada, balki ta'lim, meditsina va boshqa sohalarda ham qo'llanib kelinmoqda. Proyektiv metodlar psixologiya sohasining rivoji uchun alohida hissa qo'shdi desak, yanglishmagan bo'lamiz. Proyektiv metod orqali inson ruhiy holati o'rganilganda, insonlarning onglilik va ongsizligi bilan ko'chirib olgan shaxsiy xarakterlari, tashqi dunyoga o'z munosabatini aks ettirishga yordam beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining qarori, 07.06.2019 yildagi 472-son
2. Evdokimov VI Aviatsiya mutaxassislar uchun psixologik diagnostikada proektiv metodlar -M.; Voronej, 2001 yil.
3. Burchak A.F. Proektiv texnikaning imkoniyatlari chegaralarini nazariy o'rganish. Proektiv psixologiya/Ilmiy, ed R. Rimskaya, L. Kirillov; Per. ingliz tilidan M. Budynina va boshqalar - Moskva: Aprel matbuoti: EKSMO -Press, 2000 yil Moskva: Aprel matbuoti: EKSMO -Press, 2000 yil.
4. Большой энциклопедический психологический тест. Москва. 2006
5. <https://aim.uz/referaty/59-psikhologiya/77137-proyektiv-metodikalar.html>
6. <https://Lex.uz / https://lex.uz/uz/docs/-4367731#-4369665>

7. Gaybullaev Otabek Muhammadievich Philosophical fundamentals of including national values in the aesthetic culture of personality in the period of globalization. *Psychology and education* (2021) 58 (2): 6207- 6213.
8. Otabek Mukhammadievich Gaybullaev reflection of the development of aesthetic culture in Uzbekistan in national and universal values. *International journal of philosophical studies and social sciences*. 2021 23 p.
9. Kholikov, Yu O. "Pedagogic science." *vestnik magistracy* (2022): 102.
